Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 100 (7. 189) ◎ 1990 йил 3 май, пайшанба Баҳоси 3 тийин

КПСС Устави лойиҳаси—муҳокамада

МУСТАҚИЛЛИК АМАЛДА БЎЛСА

◎ Кейинги йилларда бошланғич партия ташкилотларига мустақиллик бериш тўғрисида кўп гаплар бўляпти. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг негизи бўлган бошланғич партия ташкилотига мустақиллик бериш партия учун ҳозирги айни қийин даврда айниқса муҳимдир. Бу муҳим ишни сира кечиктириб бўлмайди.

Бошланғич партия ташкилотларига ҳозирги вақтда мустақилликнинг амалда берилиши унинг ҳуқуқ ва бурчларини кенгайтириш имкониятини юзага келтиради. Эндиликда кенг муҳокама этилаётган КПССнинг янги Устави лойиҳасида ҳам бу масалаларга етарлича эътибор берилган.

Устав лойиҳасини шаҳримиз меҳнат жамоалари қизғин кутиб олди. Кўпчилик ўзаро суҳбатларда ва партия йиғилишларида янги Устав лойиҳасини қўллаб-қувватлашмоқда. Шу билан бирга лойиҳани такомиллаштириш ва чуқурлаштириш юзасидан ўз фикр, мулоҳазаларини билдирмоқдалар. Тошкент химия қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида бўлганимизда ҳам бунга комил ишонч ҳосил қилдик.

— Муҳокамага қўйилган лойиҳа қизғин мунозара, баҳсларга сабабчи бўлмоқда, — дейди завод бошланғич партия ташкилоти секретари Шарофиддин Шопўлатов. — Заводимиз коммунистлари билан мулоқотда бу яққол сезилиб турибди. Улар Устав лойиҳасини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар. Ҳамма ўз фикр, мулоҳазаларини билдирмоқда. Айниқса, Устав лойиҳасининг бошланғич партия ташкилотига бағишланган боблари бизга жуда ёқди. Масалан, 1-бобдаги 4-бандида шундай дейилади: **«КПСС аъзолигига якка тартибда, демократик асосда ва ошкора қабул қилинади. КПСС аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги қарорни бошланғич партия ташкилоти ўзининг очиқ йиғилишида чиқаради. Йиғилишнинг қарори узил-кесилдир. КПССда ягона партия билети бўлади, партия аъзоларини ҳисобга олиш тартибини КПСС Марказий Комитети белгилаб беради».**

Мен Устав лойиҳасидаги шу сўзларни қўллаб-қувватлайман. Чунки, илгарилари КПСС номзодлиги ёки аъзолигига қабул қилишда бир нечта партия ташкилотидан ўтилар эди. Цех ва завод партия ташкилотларидан ўтгандан кейин район партия комитетининг ўзида икки ерда (оқсоқоллар комитети ва район партия комитети бюроси) суҳбатда бўларди. Шундан кейингина номзоднинг коммунистликка қабул қилиниш-қилинмаслиги маълум бўларди. Агарда ўша номзодликка ёки аъзоликка ўтаётган киши комсомол аъзоси бўлса, унинг ташвишлари яна ҳам кўпаярди. Аниқроқ қилиб айтганда, КПСС сафига кираётган киши бир йилнинг ичида 14 та ташкилот ва комитетлардан суҳбатдан ўтиши керак. Бу эса ўзига хос қийинчиликларни туғдирарди. Яъни қоғозбозликка зўр берилар эди. Номзоднинг аъзоликка лойиқ ва нолойиқлигини фақат қоғозга қараб ҳал қилинар эди. Янги Устав лойиҳасидаги **«Бошланғич партия ташкилоти йиғилишининг қарори узил-кесилдир»**, деган сўзлар эса партияга қабул қилишда бу салбий кўринишларни йўққа чиқаради. Беҳисоб протоколлар тузилишининг олдини олади. Номзоднинг лойиқ ёки нолойиқлигини ўзи ишлаётган жамоа ҳал қилади. Мазкур усул жуда тўғри. Негаки, КПСС сафига киришга аҳд қилган ишчи ёки хизматчининг шу номга лойиқлиги ёки нолойиқлиги ўзи ишлаётган жамоага аён. Бу эса КПСС сафига тасодифий кишилар кириб қолишининг олдини олади.

— Лойиҳадаги **«Бошланғич партия ташкилотининг котиби меҳнат коллективидаги ва унинг ташқарисидаги маъмурият, ўзини ўзи бошқарадиган органлар, жамоат ташкилотлари билан муносабатларда бошланғич партия ташкилоти номидан вакиллик қиладилар. Котибни коллективдан ишдан бўшатиш тўғрисидаги масала партия йиғилишида (конференция)да кўриб чиқилиши лозим»**, деган сўзларни ҳам қўллаб-қувватлаймиз, — дейди коммунист Маҳмуджон Юнусов.

Лекин Уставдаги «Партиянинг мулки ва пул маблағлари» деган бобига бошланғич партия ташкилоти ҳисобида турадиган коммунистларимиз ўзгартишлар киритишни таклиф қилишди. Масалан, коммунист Семён Данцис шу бобдаги «Партия аъзолари учун ҳар ойда тўланадиган аъзолик бадаллари қуйидаги миқдорда белгиланади» деган сўзларига **«Партия аъзолари учун ҳар ойда тўланадиган аъзолик бадаллари даромади қандай бўлишидан қатъи назар бир процент миқдорида белгиланади»**, деб тузатиш киритишни таклиф қилди. Чунки, ишламаётган, пенсиядаги коммунистларнинг ҳаммаси ҳам ўз аъзолик бадалларини тўлаш имкониятларига эга эмас. Масалан, бизнинг бошланғич партия ташкилотимиз ҳисобида турувчи бир пенсионер коммунист хонамга кириб, олдиндан икки ойга аъзолик бадалини тўлаб кетди. Кейин билсам, у қарилиги туфайли зўрға ҳар икки-уч ойда заводга келиб аъзолик бадалларини тўлаб кетар экан. Баъзи бир пенсионер коммунистлар эса бундай имкониятга ҳам эга эмаслар. Уларнинг уйига бориб аъзолик бадалларини талаб қилиш эса инсофдан эмас, албатта. Шунинг учун пенсионер коммунистлар аъзолик бадалларидан озод қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Коммунист Владимир Козлов Устав лойиҳасининг «Бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини, жумладан маош олиб ишлайдиган ходимларни пул билан таъминлаш учун аъзолик бадалларидан тушган маблағларнинг 50 фоизигача бўлган қисмидан фойдаланиш ҳуқуқи берилади» деган сўзларга **«...Аъзолик бадалларидан тушган маблағларнинг 50 фоизидан фойдаланиш ҳуқуқи берилади»**, деб аниқ қилиб ёзиб қўйилса деган таклифни киритди. Чунки, бошланғич партия ташкилотидаги маош олиб ишлайдиган ходимларни пул билан таъминлаш билан бир қаторда бу ерда бошқа муаммолар ҳам бор. Мисол учун коммунистларнинг жамоат ишларида фаол қатнашганлари учун моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш ҳам шу маблағ ҳисобидан йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ғ. ЮСУПОВ.



◎ **УЧ ДАСТГОҲНИ БОШҚАРИБ.** «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси устки трикотаж фабрикасининг «Энг яхши ёш ишчи» унвонига сазовор бўлган тўқувчиси Маъмура Тиллабоева.

Ҳ. ШОДИЕВ сурати.

Советлар ҳаётидан

«ҲАҚ СЎЗНИ АЙТГАНДА...»

◎ Улар оддий касб эгалари — ихтисослари слесарлик. Бири заводда, бири эса қурилишда ишлайди. Яна ўхшашлик томонлари шундаки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам Тошкент шаҳар Советининг депутатларидир. Биз халқимизнинг бу мухтор вакилларига депутатлик фаолиятингизни қай йўсинда бошладингиз, деган икки савол билан мурожаат этдик.

— Ҳар бир кунимиз биз ишчилар учун ўз навбатида сарҳисоб саналади, — дейди «Компрессор» заводининг йиғувчи-слесари Бахтиёр Бадалов. — Чунки биз бажарган ишларга ўзимизча якун ясаймиз, ютукларимиздан кувонамиз, камчиликларни бартараф этиш ҳаракатига тушамиз.

Халқ хўжалиги учун нима етиштириб беришимиз корхонамизнинг номидан ҳам маълум бўлиб турибди. Ҳамма гап ишлаб чиқарилаётган маҳсулотимизнинг қай даражадалигида. Очиғини айтсам мақтанчоқлик бўлмас. Ҳақиқатга кўчганда корхона аҳли томонидан тайёрланаётган буюмларимизнинг сифати йил сайин яхшиланиб бормоқда. Бунинг далили учун рақамбозликка ҳожат йўқ. Заводимизга буюртмачилардан келаётган миннатдорчилик мактубларининг ўзи шуни исботламоқда. Белгиланган режаларимиз ҳам ўз муддатларида амалга ошмоқда.

Депутатлик фаолиятим ҳақида гап кетганда аввало шуни айтмоқчиман. Тахминан бундан бир ой илгари ўз ишини тугаллаган ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси материаллари биз депутатларга муҳим ҳаракат дастуримизни белгилаб берди. Бу комплекс ишларни қай даражада амалга ошириш эса депутатларнинг ақл-идрокига, ҳаётий тажрибасига, ишчанлигига боғлиқ.

Шу ўринда фақат бир истакни айтиб ўтмоқчиман. Йирик ҳажмдаги ишларни бажаришни биргина депутатнинг меҳнатию, иродасига боғлаб бўлмайди. Бундай юмушларни амалга оширишда унга тегишли ташкилотлар ҳам ёрдам бериши керак.

Сайловлар ўтган кунданоқ депутатликнинг бутун масъулиятини зиммамга олганман. Сайловчиларим билан бамаслаҳат иш юритаяпман. Хозиргача уларнинг бир неча истакларини бажардим. Саъй ҳаракатим билан бир оила уйли бўлди. Икки қарияга пенсия таъминотининг оширилишида ёрдамлашдим. Бир нечта кўчаларни асфальтлаш ишига тайёргарлик кўраяпмиз. Яна яқин келажакдаги бажарилиши лозим бўлган ишларни режалаштиряпман.

— Куни-кеча ажойиб бир хушхабар тарқалди. Бригадамиз ойлик режасини муддатидан илгари адо этибди, — деб сўзини бошлади 153-қурилиш трести слесари Эсон Норбоев.

Кўпдан бери қурилишда ишлайман. Ишимиз якунидан хурсанд бўлган юзлаб оилаларни кўриб, улар билан бирга қувонганман. Ранжиганларни кўриб уялганман.

Очиғи, қурувчи меҳнати ҳосиласини рўёбга чиқарадиган ҳам, ерга урадиган ҳам сифат. Сифатни унутган қурувчи диёнатини ютган, одамларга меҳр-оқибатини унутган ҳисобланади. Бригадамизда бундай «бунёдкорлар» йўқлигидан фахрланаман. Ишимиз ҳамиша «яхши» ва «аъло» баҳоларга қабул қилинаётганлиги бундан далолат.

Мен яна бир довондан ошдим. Чунки сайловчиларнинг катта синовларидан ўтиб депутатлик ёрлиғини қўлга киритиш бахтига муяссар бўлдим. Албатта бу бахтнинг зўр масъулиятини аллақачоноқ ҳис қилганман. Кўпчилик ишончига яраша ишлашимни ҳам яхши биламан. Шунинг учун ҳозирданоқ ишга киришганман.

Менимча, бу ўринда дастуримни қайта варақлаб, унинг тавсифини баён этиб ўтиришга ҳожат йўқ. Қолаверса депутатнинг иши қўлланмалар рўйхатини моҳирона тузиш билан битмайди. Сайловчига ўнта чиройли ваъдадан кўра битта бажарилган жайдари иш яхши.

Бугун депутат сифатида сайловдан сўнг ўтган икки ой ичида нима иш қилдим, деган саволни берадиган бўлсам, албатта ундан ўзим тўлиқ қониқиш ҳосил қилмайман. Чунки бажарган ишларим унчалик эътиборли эмас. Тўғри, бугун ён дафтарчамга бир пенсионер оиласига телефон туширишда кўмаклашганим, округга қарашли маҳаллаларда ободонлаштириш ишларини олиб боришда фаол қатнашганим, кимнингдир боласини боғчага жойлаш, яна бир сайловчига ер участкаси олишда кўмаклашганим каби ишлар мажмуаси ёзиб қўйилган. Лекин буларнинг ҳаммаси майда-чуйда юмушлар. Олдинда эса улкан вазифаларни бажаришдек шарафли ишлар турибди.

Суҳбатни **М. КОМИЛЖОНОВ** олиб борди.

САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАР

◎ «Муқобил» ёшлар илмий-техника ижодкорлиги марказн ўз фаолиятини жонлантириб юборди. У асосан иқтидорли талабалар ва ёш олимлар билан яқин алоқада бўлиб, улар амалга ошираётган энг яхши ижодкорлик намуналарини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш билан шуғулланмоқда.

Марказнинг бу борадаги дастлабки изланишлари натижаси кўзда тутилгандан ҳам зиёда бўлди. Меваларни қуритишга мослаштирилган қурилма кўпчилик эътиборини тезда ўзига тортди. Сув сарфини аниқ ўлчашда қўлланиладиган янги асбоб тайёрлаш технологиясига доир тадқиқот ҳам яхши якунланди.

Турли хил зараркунандаларни қириб ташлаш учун хизмат қиладиган «ОК—1» ва «ОК—2» препаратлари ҳам жиддий изланиш самараси бўлди. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги томонидан маъқулланди.

Бу кимёвий дори теплица хўжаликларида жуда қўл келди. Мазкур янгиликнинг овозаси Қозоғистонга ҳам кенг ёйилди. Миришкор деҳқонлар ўз иш тажрибаларида «ОК» препаратларининг фойдасини яққол кўрдилар. Чимкент вилоятининг Сайрам районидаги «Победа» колхози аъзолари ҳам изланишдан мамнун бўлмоқдалар.

Марказ Ўзбекистон чорвачилик илмий текшириш институти билан ҳам алоқа боғлади. Илмий муассаса базасига тери тайёрлаш корхонаси очилди. Қурилиш материалларини ишлаб чиқиш технологиясига оид изланишлардан қурилиш ташкилотлари кенг фойдаланишлари мумкин. Сунъий мармар ва гранит тошларни тайёрлаш ҳам йўлга қўйилмоқда.

А. АКБАРОВ.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ АСР ЛОЙИҲАСИ

Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитети бир қанча ташкилотлар билан ҳамкорликда 2005 йилгача бўлган табиатни муҳофаза қилиш лойиҳасини ишлаб чиқди. Лойиҳада ҳавони, сувни ва табиатни заҳарли моддалардан тозалаш иншоотларини қуриш, шунингдек Тошкент шаҳрида кимёвий заводларни камайтириш масалалари кўзда тутилган.

О. МАННОНОВ.

«Сиз кимсиз?» Москвада

◎ **Истеъдодли киносанъаткор Ж. Файзиев яратган фильм «Сиз кимсиз?» деб номланди.** Муҳим ҳаётий масалалар тўғрисида баҳс юритувчи бу ижод намунаси кўпчилик эътиборини ўзига торта бошлади.

Мазкур лента жумҳуриятимизда янги иш бошлаган «5» тажриба киностудиясининг энг яхши экран асарларидан бири бўлди. Шуниси эътиборга лойиқки, «Сиз кимсиз?» фильмининг дастлабки кўриги Москвадаги Киночилар уйида ўтказилди. Янги лента Исроилда бўладиган кинофестиваль программасига киритилиши ҳам қувончлидир.

Умуман «5» тажриба киностудияси ўзининг икки йиллик жўшқин фаолияти давомида 15 та фильм яратди. Шулардан учтаси тўла метражли фильм сифатида экранларга чиқарилди.

С. ОБИДОВА.



«ТОШКЕНТ—ФРОНТГА»

— шаҳримиз марказидаги «Правда» рўзномаси» кўчасида очилган Ўзбекистон ССР Марказий Давлат кинофото ҳужжатлар архивидан олинган суратлар кўргазмаси ана шундай номланади. Суратларда муҳрланган лавҳалар тошкентликлар Улуғ Ватан уруши йиллари қандай фидокорона меҳнат қилганликлари, фронтга қандай мадад берганликлари ҳақида ҳикоя қилади.

СУРАТЛАРДА: кўргазма олдида; кўргазмага қўйилган суратлардан нусҳалар.

Р. Шарипов суратлари.



Олий ўқув юртларида

ЖУМҲУРИЯТ МИҚЁСИДА

◎ ТОШКЕНТ автомобиль ва йўллар институтида профессор М. Ғафуров бошчилигидаги «Олий математика» кафедраси томонидан юқори синф ўқувчилари учун ўтказиладиган математика XVII олимпиадаси бўлиб ўтди. Бу олимпиада биринчи марта жумҳурият миқёсида ўтказилди. Унда қатнашувчи иштиёқмандларнинг сони 708 та бўлди.

Ўқувчилар фақат Тошкент шаҳри ва вилоятидангина эмас, балки Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва бошқа вилоятлардан ҳам қатнашдилар. Мусобақа икки турдан иборат бўлиб унда 47 ўқувчи биринчи тур ғолиби сифатида иккинчи турда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Иккинчи турда қатнашган ўқувчилар мактаб математикаси программаси доирасидан чиқмайдиган, аммо олимпиадага хос усулда махсус танланилган ўқувчилардан фақат ҳисоблаш техникасинигина эмас, балки чуқур мантиқий мулоҳазалар юритишни ҳам талаб қиладиган олтита масала ва мисоллар ечишди.

Ғолибликни қўлга киритган 10 — 11 синф ўқувчилари Фахрий ёрлиқ ва китоблар билан тақдирландилар.

11-синф ўқувчилари орасида I — III ўринларни қўлга киритганлар институтга кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширсалар, танловсиз қабул қилиниш имтиёзига эга бўладилар.

Ш. ШОАБЗАЛОВ,

Тошкент автомобиль ва йўллар институтининг олий математика кафедрасининг катта ўқитувчиси.

ИЖОДКОР ТАЛАБАЛАР

◎ Бўлажак ўқитувчиларни сифатли тайёрлаш, уларда илмий-педагогик тайёргарликни ўстириш борасида бу олий ўқув юртида қатор ибратли ишлар олиб борилмоқда. Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтида талабаларнинг билим олиш фаоллигини кучайтиришда талабалар илмий жамиятининг тутган мавқеи катта бўлмоқда.

Олий ўқув юрти немис тили факультетининг аксарият талабалари бу жамият тўгаракларига фаол қатнашиб, педагогик ижодкорликларини ўстиришга муваффақ бўлмоқдалар. Улар яқинда ўтказилган анжуманда ҳам ўз иқтидорларини яна бир бор намоён этдилар.

Бундан ташқари факультетнинг ўндан ортиқ илмий тўгараги машғулотларига икки юзга яқин ёш истеъдод мунтазам қатнашмоқда. Улар тайёрлаган бир неча маъруза анжуманда ижобий баҳоланди.

Чет тилларни ўқитиш усули, педагогика ва психология тўгараклари аъзолари ҳам илмий анжуманда юқори кўрсаткичга эришдилар. «Шахсни шакллантиришда унинг фаол ҳаётий позициясининг роли», «В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятида чет тиллар» каби илмий маърузалар кўпчиликка манзур бўлди.

Анжуман давомида 15 та секция иш олиб борди, ҳамда уч юзга яқин маъруза тингланди.

С. ОДИЛОВА.

ҲУКУМАТ ҚАРОРИНИ БАЖАРА БОРИБ

Илгари хабар қилинганидек, жумҳуриятимиз Министрлар Совети «Халқ истеъмоли молларининг бир қанча турларини Ўзбекистон ССРдан ташқарига олиб чиқиб кетишни чеклаш» тўғрисида» қарор қабул қилди. Жумҳуриятимиз ҳукумати ички бозорни барқарорлаштириш зарур бўлиб қолганлиги сабабли, тақчил молларнинг назоратсиз Ўзбекистондан ташқарига ташиб кетилишига йўл қўймаслик учун ана шундай чорани қўллашга мажбур бўлди.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг Давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси олдига аниқ вазифалар қўйилган. Бошқарма ходимлари ана шу вазифаларни бажара бориб, мазкур қарорни бузаётганларни аниқлашмоқда.

Андижон область Совет районидаги «Бирлик» жамоа хўжалигининг ҳайдовчиси М. Рашидов «МАЗ—500» машинасида 9 тонна асални Андижондан РСФСРга олиб кетаётган эди. Тошкент агросаноат бирлашмаси махсус автотранспорт корхонасининг ҳайдовчиси В. Алексеев 6,3 тонна редискани Калинин районидаги Партия XXI съезди номли жамоа хўжалигидан Челябинскка ташиб бораётган экан. Красноярск ўлкасидаги Абакан тажриба механика заводининг ҳайдовчиси В. Шкарддо иккита мебель гарнитурини Қўшрабод райони матлубот жамиятидан Красноярск ўлкасига олиб кетаётган эди. Ҳайдовчи М. Павлов Самарқанддан Москвага қурилиш материалларини, ҳайдовчи Е. Зюзин эса Самарқанддан Москвага сим ортиб кетаётган экан. Н. Мирзаолимов Самарқанд областининг Ургут районидан 250 килограмм узумни жумҳуриятимиздан ташқарига олиб чиқиб кетмоқчи бўлган. Ҳайдовчи А. Манаев Қаршидан Семипалатинскка 4,5 тонна қандолат маҳсулотларини ортиб кетаётган экан. Ҳайдовчилар Габриелидзе, А. Аверисян ва Г. Аверисян Янгийўлдан Арманистонга қурилиш материалларини олиб кетишаётган экан. Ҳайдовчилар А. Кумеков ва С. Тубельцев санитария-техника жиҳозларини Ангрендан Оренбургга олиб кетишаётган экан. Андижондан Омскка ҳайдовчи А. Опонасенко ёғоч-тахтани, ҳайдовчи С. Чайка эса шифер олиб кетаётган эди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Уларда магазинларимиз пештахталарида етишмаётган моллар тилга олинади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг бошлиғи Б. В. Путинцевнинг хабар қилишига қараганда, шу йилнинг фақат 20 апрелидан бери автомобиль инспекцияси ходимлари 37,8 тонна озиқ-овқат маҳсулотларини, 20.860 банка консерваларни, 6 гарнитурни, 150 та хориждан келтирилган санитария-техника жиҳозларини, 66,9 тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиб кетаётган 32 автомобилни ушлашди ва район ички ишлар бўлимларига топширишди. Ушлаб қолинган маҳсулотлар ва моллар дарҳол савдо тармоқлари орқали сотилмоқда.

ШАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

● **БАЙРУТ. Ливан пойтахтининг шимолидаги Клейат аҳоли пункти районида ҳамда Байрутнинг шарқий қисмидаги бир қанча даҳаларда генерал Аун бўлинмалари билан «Ливан кучлари» ташкилоти ўртасида отишмалар давом этди.** Томонлар автомат қуролларни, танкка қарши ишлатиладиган гранатомётларни ва артиллерияни ишга солдилар. Маҳаллий аҳоли катта хавф остида қолмоқда ва отишмалар оралиғидаги қисқача танаффуслардан фойдаланиб, жанг бўлаётган жойлардан чиқиб кетишга уринмоқда. Олинаётган хабарларга қараганда, отишма натижасида одамлар ҳалок бўлган, иморатлар вайрон бўлган.

● **ИСЛОМОБОД. Покистоннинг Пешавор шаҳридаги Носирбагҳ лагерида 1982 йилдан буён иш олиб бораётган Австралиянинг «Шелтер-нау интернэшнл» деб аталган афғон қочоқларига инсонпарварлик ёрдами кўрсатувчи агентлигига ҳужум қилинди ва бутунлай талаб кетилди.** «Фронтиер пост» газетаси ва маҳаллий Пипи-ай ахборот агентлигининг хабар қилишича, афғон қочоқларидан беш мингга яқин одам «Шелтер нау интернэшнл» биноси ва унинг ёнидаги омборхоналарни бир неча минут ичида вайрон қилиб, пойдеворигача бузиб ташлади 175 тоннадан кўпроқ қуритилган сут, 19 та автомашина, бошқа мол-мулк ўғирланди.

● **ДЕҲЛИ. Покистоннинг қўпорувчилик ҳаракатларини амалга ошириш йўли билан Ҳиндистондаги аҳволни беқарор қилишга қаратилган ҳар қандай уринишларига дарҳол чек қўйилади, деди Ҳиндистоннинг ички ишлар министри Муҳаммад Сайёд Жамму шаҳрида сўзлаган нутқида.** — Биз Кашмирнинг босиб олинган қисмида қўпорувчи унсурлар ва террорчилар тайёрлайдиган ҳарбий лагерларнинг бутун бир шоҳобчасини вужудга келтириб, Ҳиндистон территориясига мунтазам равишда қуролли гуруҳларни юбораётган Исломобод режимининг қирдикорларига қанчалик қимматга тушишига қарамай, зарба бераверамиз.

● **ДАККА. Бангладешнинг Сиражганж ва Чандпур округларида юз берган бўрон вақтида 12 киши ҳалок бўлди, 500 киши жиддий жароҳатланди, деб хабар қилди БСС ахборот агентлиги.** Бўрон ўнлаб қишлоқлардан ўтди ва юзлаб иморатларни вайрон қилиб, дарахтларни илдизи билан қўпориб, телеграф устунларини йиқитиб кетди.

ШАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Район партия конференцияларида

ФАОЛЛИК ОШИРИЛСИН

ПАРТИЯ конференцияларидан мақола ёзишга бир неча марта тўғри келган. Ҳар сафар бенхтиёр ўзимга ўзим: партия конференциясида партия комитетигами ёки унинг аппарати ишига баҳо беришаяптими, деб савол берардим. Мисол учун партия Уставида район партия конференцияларида район партия комитетининг ҳисоботи тингланади, дейилади. Аммо район партия комитети — бу фақат аппарат ходимлари эмас, сайлаб қўйиладиган органнинг ўнлаб аъзолари ҳам-ку. Ваҳоланки, конференцияларда кўпроқ секретарларнинг, бўлим мудирларининг, инструкторларнинг, нари борса «аппарат ходимларидан» бошқа кишилар ҳам кирадиган бюро аъзоларининг фаолияти ҳақида гапиришади ва баҳо беришади. Бу қолипдан четга чиқиш осон эмас.

Мана Фрунзе район XXXV партия конференциясида ҳам эскириб қолган одатдан четга чиқишолмади. Ваҳоланки бунинг учун имконият бор эди. Район партия комитетининг ҳисоботида райком таркибига 125 нафар коммунист сайланган, тўртта комиссия ташкил этилиб, ҳар бир бошланғич партия ташкилотига райком аъзоси бириктириб қўйилган, деб таъкидланди. Ҳисоботда комиссия фаолияти қисқача таҳлил қилинди, уларнинг ишида фаол иштирок этганлар айтиб ўтилди. Агар конференция делегатлари «ютуқ» ва «камчиликлар»ни кўрсатган ҳолда райкомнинг доимий комиссиялари нақадар самарали ишлаганига ўз баҳоларини берганларида мантиқан тўғри бўлар эди. Аммо, назаримда, бундай бўлгани йўқ. Ҳисоботда ҳам, аксарият нутқларда ҳам «район партия комитети» маъносида ҳар ҳолда кўпгина масалаларда шунчаки сайлаб қўйиладиган органнинг ўрнини босиб келган аппарат тушунилди.

Оддий мисол, кўпчилик делегатлар ўз нутқларида райком ходимлари, инструкторлари, бошланғич партия ташкилотларида, йиғилишларда жуда кам бўлишади, деб шикоят қилишди. Шунинг учун улар бошланғич партия ташкилотларида ҳисобда турсин, деган таклиф тушди. Иккинчи томондан, район партия комитетининг аъзолари кўпгина бошланғич партия ташкилотларида ишлашади. Ҳисобот докладидаги, ҳар бир бошланғич партия ташкилотига сайлаб қўйиладиган органнинг аъзоларидан бири бириктириб қўйилган, деган сатрларни эслатиб ўтаман. Район партия комитети билан бошланғич партия ташкилотлари ўртасидаги икки томонлама алоқани шулар амалга оширишни мумкин, шундай қилишлари шарт эди. Масалан, улар бошланғич ташкилотларнинг фикрини «юқорига» етказишлари, «қуйидаги»ларни райком қарорларига йўналтиришлари мумкин эди. Менимча, сайлаб қўйиладиган орган худди шундай ҳаракат қилиши лозим, унинг асосий вазифаларидан бири ҳам ана шундан иборат. Райком ҳисоботида партия ташкилотлари ва коммунистларнинг «район партия комитети фаолияти билан етарли даражада хабардор бўлиши таъминланмади» деб қайд этилган жан, мен буни аппаратнинг эмас, район партия комитети ишлаб чиқаётган ва қабул қилаётган қарорларни ўз бошланғич ташкилотларига етказмаган райком аъзоларининг айби деб биламан. Амалда «икки томонлама алоқа-нинг» бўлмаганлиги ва, мисол учун, «район партия комитети раҳбар кадрлар бир қисмининг алмаштирилишини тўхтатиш учун бутун таъсирдан фойдаланганлиги, йиғилиб қолган масалаларни улар билан биргаликда ҳал қилганлиги, бу борада жойларда партия аъзоларининг фаол мадади ҳали сезилмаётганлиги» каби хулосалар ана шундан келиб чиқади.

Фрунзе район партия ташкилоти ва район партия комитети томонидан ҳисобот даврида талайгина ишлар қилинди. Шундай бўлсада ҳисоботда ҳам, нутқларда ҳам умумлашмалардан четга чиқилса бўларди, модомики «район партия ташкилоти», «район партия комитети» иборалари ортида муайян ишларда бевосита иштирок этганлар ҳам, бир чеккада кузатиб турганлар, ўзгаришларни ҳеч уринмай кутиб турганлар ҳам бор. Уларни номма-ном тилга олиш, биринчи навбатда ҳисоботда эслатиб ўтилган «...райондаги кўпгина бошланғич партия ташкилотларининг қайта қуриш жараёнларидаги роли талаб даражасида эмаслигига, улар ҳали ҳам бўшанглик қилишаётганига, янгиланишларга, туб ўзгаришларга қатъий интилиш сезилмаётганига, ишларнинг таҳлили қатор бошланғич партия ташкилотлари умуман ишламаётганини кўрсатишига» эътиборни жалб этиш керак эди. Менинг назаримда худди ана шу аҳвол бугунги кунда кўпроқ ташвишлантириши керак. Зеро, съездолди ҳужжатларида ҳам айнан бошланғич партия ташкилотларининг ҳуқуқ ва мустақилликлари кенгайиши ҳақида, партиянинг обрўйи ва етакчилик мавқеи уларнинг фаоллиги, жанговарлигига боғлиқ эканлиги ҳақида, кўппартиялилик системасида бошланғич партия ташкилотлари етакчи роль ўйнаши ҳақида гапирилади. Шу ўринда қурилиш индустрияси саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Р. Боқиевнинг район партия комитети энг аввало «бошланғич ташкилотларни ўрганиш», яъни уларнинг режалари ва фаолиятидан хабардор бўлиши, вазиятни, коммунистларнинг кайфиятини билиши лозимлиги ҳақидаги таклифи жуда тўғри.

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи партия комитетининг секретари В. П. Кравченконинг «рўзномадан четга чиқиб кетганлиги»дан ўз норозилигини билдирганларининг фикрига тўла қўшилолмайман. Ваҳоланки, партия комитети маъмурият ва касаба уюшмаси комитети билан биргаликда ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун нималар қилганлиги ҳақида гапирган айнан шу В. Кравченко бўлди. Жамоа ходимларининг дастурхони озиқ-овқат маҳсулотларига тўкин бўлиши учун, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарни ривожлантириш учун, ишчиларнинг фарзандлари ёзда денгиз бўйида дам олиши учун ҳар бир партия комитети баҳоли қудрат ҳаракат қилганида эди, аминманки, уларнинг коммунистлар ўртасидаги, партиясизлар ўртасидаги обрўйи ошар эди. Чунки ҳамиша ўзини ва оиласини боқиш, кийинтириш ташвишида юрган киши амалий ишлар билан исботланмаган шиорлар ва чақириқларни эшитмайди, деб тўғри уқтириб ўтилди. Район коммунистларининг, конференция делегатларининг КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасига ташлифларининг жуда кўплиги ҳам шу билан изоҳланади. Лойиҳада ойдинлаштирилмаган хулосалар, қоидалар оз эмас.

Айтмоқчи, район партия комитетларининг ҳисобот докладларини КПСС Марказий Комитетининг партия съездига Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳалари билан қўшиб муҳокама қилиш ҳақидаги тавсия назаримда ўзини оқламади. Нотиқлар кўпроқ хулосаларга «берилиб кетишди», танқидий нутқларнинг бутун тиғи район партия комитетига ва юқори партия органларига қаратилди, ўз-ўзини танқид оз бўлди. Барча нутқларда район учун муҳим ва зарур масалалар кўтарилди, партия ва жамиятдаги ҳозирги вазиятдан чинакам ташвиш баён этилди, конференция делегатлари таклифларни киритиш, район партия комитетининг янги таркибига ўзига хос наказларни бериш билан бирга қайта қуришни жадаллаштириш, омма ўртасида ва шунчаки КПСС аъзоси деб ҳисобланадиган айрим коммунистлар ўртасида партиянинг обрўйини ошириш учун уларнинг ўзлари, уларнинг партия ташкилотлари нима иш қилганлиги ҳақида кам гапиришди.

Район партия комитетининг, район партия ташкилотининг фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида кўплаб рақамлар ва далилларни мисол келтириш мумкин эди. Аммо ҳозир энг муҳими бу эмас, деб ҳисоблайман. Муҳими нуқтаи назарни аниқлаш, уни кўп партияликнинг мураккаб шароитларида ҳимоя қилиш, эгалланган марраларни бой бермаслик керак, орқага чекиниб бўлмайди. Ана шу нуқтаи назарни белгилаш билан бирга партиянинг тақдири бундан бўён Марказий Комитетда, область ва шаҳар партия комитетларида, район партия комитетларида эмас, энг аввало бошланғич партия ташкилотларида ҳал этилишини унутмаслик зарур. Район партия комитетининг ҳисоботи ва партия конференциясидаги нутқларга қараб фикр юритадиган бўлсак, айнан бошланғич партия ташкилотларининг ва «оддий» коммунистларнинг етарли даражада фаоллик кўрсатмаётганлиги ташвишлантиради...

Конференция қатнашчилари ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов нутқ сўзлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари К. Р. Расулов иштирок этди.

* * *

Ш. Ҳ. Низомов Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари, В. М. Плешаков — иккинчи секретари, А. С. Сулаймонхўжаев — секретари этиб сайландилар. А. Р. Мокшин назорат-тафтиш комиссиясининг раиси этиб сайланди.

С. ЛУТФУЛЛАЕВ.

ХОТИРЖАМЛИККА БАРҲАМ БЕРАЙЛИК

XXXV Киров район партия конференциясидан бир неча кун олдин район партия комитетига делегатлар сўз беришни сўраб мурожаат қила бошладилар. Фаоллик тушунарли эди, ахир, Киров районида шаҳар, республика, мамлакатдаги сингари кўпгина муаммолар, ҳал этиладиган масалалар тўпланиб қолган эди-да. Уларнинг тезроқ ҳал этилиши эса кўп жиҳатдан район партия ташкилотига боғлиқдир.

Рўй берган мураккаб аҳволдан чиқиш йўлларини излаш ва фаоллик кўрсатиш, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, районда бўлиб ўтган бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида яққол сезилган эди Уларда КПСС Устави ва партия Марказий Комитетининг навбатдаги съездга Ҳаракат дастури лойиҳалари бўйича, шунингдек район ва шаҳардаги муаммоларга доир кўпгина таклиф ва мулоҳазалар билдирилган эди. Ҳа, район партия ташкилотининг сайловолди дастури билан барча бошланғич партия ташкилотлари таништириб чиқдилар. Бу ҳам конференциянинг рўйи-ростлик руҳида ўтишига ёрдамлашди.

Ўзбекистон Компартияси Киров район комитетининг ҳисоботида район партия ташкилоти ишидаги ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам тилга олиб ўтилди. Делегатлар ҳисобот маърузасининг матнини анжуман бошланмасдан анча олдин олдилар. Асосий эътибор нималарга қаратилди? Райондаги вазиятни яхшилашга қаратилган долзарб масалаларни ҳал этишга ёндошув ва уларни ҳал этиш учун ишда қандай янги шакл ва услублар пайдо бўлди, қабул қилинган ҳаракат дастурининг самараси қанақа, янгича ёндошувлардан наф борми — ана шу саволларга ҳисоботда назаримда аниқ жавоб берилди.

Масалан, район партия комитети ижтимоий дастурни амалга оширишга таъсир кўрсатиш учун янгича ёндошувларни излади. Район аҳолисини уй-жой билан, кенг истеъмол молlари билан таъминлаш, медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш бўйича дастур лойиҳалари район Советининг сессиясида қабул қилинмасдан илгари район партия комитетининг пленум ва бюролари ҳамда комиссияларида синчиклаб муҳокама этилди, коммунистларнинг йиғилишларида, партия фаолларининг меҳнат жамоаларида ва турар жойлардаги учрашувларида билдирилган таклифлар асосида аниқликлар киритилди.

Ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган коммунистлар орқали партия снёсатини амалга ошира бориб, уларнинг имкониятидан фойдаланиб, район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари ҳар бир ижобий тажрибани мустаҳкамлашга ва ривожлантиришга ҳаракат қилди. Шу сабабдан йил сайин кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш режалари ошириб бажариляпти, уларнинг турлари кенгайяпти. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Зенит» заводида ва бошқа жойларда кўпгина янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди... Бунда коммунистларнинг ҳиссаси бор, албатта. Аммо кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш режаси 100,6 фоиз бажарилганига қарамай, коммунистларнинг айби билан бу йилги ўсиш суръати 1989 йилнинг январь-март ойларига таққослаганда фақат 99,4 фоизни ташкил этди, холос. Ўтган йилги даражадан тамаки фабрикаси, Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг вагон ремонти заводи, «Вакцина» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент шаҳар суратга олиш хизмати бошқармаси, минерал сув қуйиш заводи паст савияда ишладилар. Коммунистлар бошқа йўл қўйилган камчилик ва нуқсонлар — район иқтисодиётини ривожлантириш суръатлари пасайиши ҳоллари, меҳнат ва режа интизоми бўшашиши, жамғарма самарадорлигининг тушиб кетиши, кадрлар қўнимсизлигининг ошиб кетиши ва ҳоказолар ҳақида ҳам гапирдилар.

Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида муаммолар сероб. Коммунист-раҳбарларга талабчанлик оширилганлиги кўпгина масалаларни кун тартибидан олиб ташлашга, фирмали ва ихтисослашган савдо тармоқларини кенгайтиришга ёрдам берган бўлса-да, барибир кўполлик, эътиборсиз қараш, алдаш, чайқовчилик ва бошқа қонун бузишларга қутилишга муваффақ бўлинмади. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш бўйича режа топшириқларини бажаришда ҳам маром йўқ. Уй-жой муаммоси жуда ўткир бўлиб турибди. Ҳал этилишини кутаётган масалаларни яна кўплаб санаш мумкин. Келинг, яхшиси район партия конференцияси делегатлари сўзларига қулоқ солайлик. Улар мавжуд аҳволдан қандай қилиб чиқиш мумкинлигини, халқ фаровонлигини яхшилаш учун бугун нималар қилиш кераклигини қандай баҳолашаркан?

Шуни айтиб қўя қолайки, ҳақиқий танқид кўп бўлди. Делегатлар танқид қилишар экан, кўпгина масалаларга жавобларни таклиф этдилар. Масалан, Тошкент алоқа электротехника институтининг ректори Ж. Абдуллаев шуни айтдики, ҳозирги пайтда мафкуравий ишни кучайтириш ёрдам бериши мумкин, холос. Бошланғич партия ташкилотларидаги маънавий муҳитни билмаслик, «қуйи»дагилар билан маслаҳатлаша билмаслик, танқидни эшитмаслик натижасида қайта қуриш равон кетмаяпти. Фақат яқдил фикрлиларнинг ижодигина партиянинг обрўсини оширади, бошланғич бўғинларига фақат район партия комитетининг ишини кузатишгина эмас, балки уни муносиб баҳолай олиш, юқори партия органларига эса мутлақ, яъни уларнинг кўрсатмаларини ҳеч сўзсиз бажариш керак бўлган орган сифатида эмас, балки партиядаги катта ўртоқ сифатида қараш имконини беради.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Т. С. Собитовнинг сўзи яхши маънода қаттиқ бўлди. У ўз партия ташкилоти ҳақида гапира туриб, бир қатор холисона сабабларга қарамасдан кўпгина масалаларни ҳал қила олганликларини ва бирон нафар ҳам коммунист партия сафидан чиқиш тўғрисида ариза бермаганлигини таъкидлади. Биринчи навбатда бунда партия комитети секретарининг фикрича, бирлашма партия комитетининг ва бошланғич партия ташкилотларининг ташкилот-лари секретарларининг олиб борган мафкуравий ишлари катта роль ўйнади, яъни улар асосий эътиборни ишончирли ва тушунтиришга қаратдилар.

Конференция делегати, СССР Ички ишлар министрлигининг олий инженерлик-техника мактаби бошлиғи Б. Э. Қосимов ҳадеб фурсат пойлайвермасдан «ҳужумга ўтиш» кераклигини айтди. Бу залда тўпланганларнинг олқишига сазовор бўлди. Бошқа делегатларга ҳам бу қанот баҳш этиб, партия комитетлари, партия органлари ва айрим коммунистларнинг кутиб турувчилик, хотиржамлик кайфиятини танқид қилдилар. Коммунистларнинг айнан мана шундай ишонқирамасликлари, қатъиятсизликлари уларнинг фикрича, кўпгина нарсаларни бой бериб қўйишга, қайта қуришнинг олдинги сафларида эмас, балки орқада судралиб боришга олиб келади.

Б. Қосимов яна шуни айтиб ўтдики, бугунги кунда раҳбарлик лавозимларида ишнинг кўзини биладиган, обрўли, ҳар жиҳатдан саводли кишилар бўлиши керак. Аммо кадрларни кўтариш ва сайлашнинг эски машинаси одатдагидек фақат қуллуқ қилиб турадиган, ташаббуссиз кишиларни танламоқда. Ҳамма даражада бир неча номзодларни тавсия этиш, унинг назарида, сайловнинг нураб қолган усулини синдириб ташлаш имконини беради.

Район партия ташкилотининг обрўси тушиб кетганлигининг сабаби Баҳодир Эргашевичнинг фикрича шундаки, ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида секретарлар сайлови ҳеч қандай муқобил номзодларсиз бўлгани у ёқда турсин, район партия комитети таркибига кўпгина қатъиятли, аммо бошлиқларга «ёқимсиз» кишилар киритилмади. Табиийки, бу нуқтдан кейин уни маъқулловчи қарсаклар бўлди. Мен ишончим комилки, шундан кейин район партия комитетининг секретарлари Рустам Абдуҳакимович Калонов ва Юрий Борисович Казариновлар билан курашга бел боғлаганлар бўлади деб ўйлагандим. Бироқ залда ҳозир бўлганларнинг биронтаси ҳам биринчи ва иккинчи секретарлик лавозимларига ҳеч кимни кўрсатмади.

Конференцияда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидов нутқ сўзлади.

Конференция ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков ва Тошкент область партия комитетининг секретари Ш. Н. Маҳмудова қатнашдилар.

* * *

Р. А. Калонов район партия комитетининг биринчи секретари, Ю. Б. Казаринов район партия комитетининг иккинчи секретари этиб сайландилар. Л. П. Фадеичева район назорат-тафтиш комиссиясининг раиси этиб сайланди.

Г. ҲАСАНОВА.

ШУ КУННИНГ ДАСТУРИ

«Қайта қуришнинг бориши, район партия ташкилотининг янги сиёсий системадаги ўрни ва роли тўғрисида»ги ҳисобот доклади озми-кўпми Куйбишев район XXXX ҳисобот-сайлов партия конференциясида сўзга чиққанларнинг барчаси диққат марказида бўлди. Делегатлар доклад билан олдиндан танишиб чиқишган эди. Эътироф этиш керак, улар бу ишга жуда жиддий, масъулият билан ёндошишди.

Кўпчилик докладни синчиклаб чуқур ўрганиб чиққанлиги, таҳлил қилганлиги, унинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаб олганлиги сезилиб турди. Нутқларга қараганда, ҳисобот доклади кўпчилик учун ўзига хос андоза вазифасини ўтади, шунинг учун райондаги ишларнинг докладда берилган умумий манзараси делегатлар томонидан маълум даражада тўлдирилди ва кенгайтирилди. Бошидан айтиб қўя қолайлик, район партия ташкилотининг вазифалари ҳам кенгайтирилди, айни вақтда ойдинлаштирилди ва аниқлик киритилди. Энг муҳими, буни мақоланинг охирида эмас, бошланиш қисмида айтиб ўтиш керак, конференциядаги муҳит, делегатларнинг нутқлари ва залдаги кайфият район партия ташкилотининг улкан имкониятларидан, Куйбишев районининг коммунистлари, ҳар ҳолда партия ташкилотларининг район анжуманига йўллаган вакиллари бугунги мураккаб шароитда ўз ўрнини аниқ белгилаб олганидан далолат берди.

Яна бир бор такрорлайман, ҳисобот докладининг, КПСС Марказий Комитетининг Ҳаракат дастури ва партиянинг янги Устави лойиҳалари, КПСС Марказий Комитетининг мамлакат коммунистларига Очиқ хати муҳокамаси бўйича нутқлар ана шундан далолат берди. Бу масалаларни бирлаштиришга қарор қилинган эди, сабаби, бу сўзга чиқувчиларга кўпгина муҳим масалалар юзасидан ўз фикрини баён этиш имконини берарди. Жумладан, олий партия мактаби кафедрасининг мудири Ф. Б. Исҳоқовнинг фикрига қараганда, партияни ва мамлакатни тангликка бизнинг қабул қилинган ҳар қандай қарорни бирдан-бир тўғри қарор, у автоматик равишда муваффақиятни таъминлайди, деб тушунишимиз олиб келди. Айни вақтда ҳозир мамлакатимизда жамиятни бошқа берк кўчадан олиб чиқишга қодир бўлган КПССдан бошқа бирор соғлом куч йўқ. Шу сабабли ҳар бир коммунист учун район партия комитетининг янги составини тасдиқлаш билан, сайлаб қўйиладиган органнинг аъзолари билан биргаликда ҳар қисмининг алмаштирилишини тўхтатиш учун бутун таъсирдан фойдаланганлиги, йиғилиб қолган масалаларни улар билан биргаликда ҳал қилганлиги, бу борада жойларда партия аъзоларининг фаол мадади ҳали сезилмаётганлиги» каби хулосалар ана шундан келиб чиқади.

Фрунзе район партия ташкилоти ва район партия комитети томонидан ҳисобот даврида талайгина ишлар қилинди. Шундай бўлсада ҳисоботда ҳам, нутқларда ҳам умумлашмалардан четга чиқилса бўларди, модомики «район партия ташкилоти», «район партия комитети» иборалари ортида муайян ишларда бевосита иштирок этганлар ҳам, бир чеккада кузатиб турганлар, ўзгаришларни ҳеч уринмай кутиб турганлар ҳам бор. Уларни номма-ном тилга олиш, биринчи навбатда ҳисоботда эслатиб ўтилган «...райондаги кўпгина бошланғич партия ташкилотларининг қайта қуриш жараёнларидаги роли талаб даражасида эмаслигига, улар ҳали ҳам бўшанглик қилишаётганига, янгиланишларга, туб ўзгаришларга қатъий интилиш сезилмаётганига, ишларнинг таҳлили қатор бошланғич партия ташкилотлари умуман ишламаётганини кўрсатишига» эътиборни жалб этиш керак эди. Менинг назаримда худди ана шу аҳвол бугунги кунда кўпроқ ташвишлантириши керак. Зеро, съездолди ҳужжатларида ҳам айнан бошланғич партия ташкилотларининг ҳуқуқ ва мустақилликлари кенгайиши ҳақида, партиянинг обрўйи ва етакчилик мавқеи уларнинг фаоллиги, жанговарлигига боғлиқ эканлиги ҳақида, кўппартиялилик системасида бошланғич партия ташкилотлари етакчи роль ўйнаши ҳақида гапирилади. Шу ўринда қурилиш индустрияси саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Р. Боқиевнинг район партия комитети энг аввало «бошланғич ташкилотларни ўрганиш», яъни уларнинг режалари ва фаолиятидан хабардор бўлиши, вазиятни, коммунистларнинг кайфиятини билиши лозимлиги ҳақидаги таклифи жуда тўғри.

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи партия комитетининг секретари В. П. Кравченконинг «рўзномадан четга чиқиб кетганлиги»дан ўз норозилигини билдирганларининг фикрига тўла қўшилолмайман. Ваҳоланки, партия комитети маъмурият ва касаба уюшмаси комитети билан биргаликда ижтимоий масалаларни ҳал этиш учун нималар қилганлиги ҳақида гапирган айнан шу В. Кравченко бўлди. Жамоа ходимларининг дастурхони озиқ-овқат маҳсулотларига тўкин бўлиши учун, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарни ривожлантириш учун, ишчиларнинг фарзандлари ёзда денгиз бўйида дам олиши учун ҳар бир партия комитети баҳоли қудрат ҳаракат қилганида эди, аминманки, уларнинг коммунистлар ўртасидаги, партиясизлар ўртасидаги обрўйи ошар эди. Чунки ҳамиша ўзини ва оиласини боқиш, кийинтириш ташвишида юрган киши амалий ишлар билан исботланмаган шиорлар ва чақириқларни эшитмайди, деб тўғри уқтириб ўтилди. Район коммунистларининг, конференция делегатларининг КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасига ташлифларининг жуда кўплиги ҳам шу билан изоҳланади. Лойиҳада ойдинлаштирилмаган хулосалар, қоидалар оз эмас.

Айтмоқчи, район партия комитетларининг ҳисобот докладларини КПСС Марказий Комитетининг партия съездига Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳалари билан қўшиб муҳокама қилиш ҳақидаги тавсия назаримда ўзини оқламади. Нотиқлар кўпроқ хулосаларга «берилиб кетишди», танқидий нутқларнинг бутун тиғи район партия комитетига ва юқори партия органларига қаратилди, ўз-ўзини танқид оз бўлди. Барча нутқларда район учун муҳим ва зарур масалалар кўтарилди, партия ва жамиятдаги ҳозирги вазиятдан чинакам ташвиш баён этилди, конференция делегатлари таклифларни киритиш, район партия комитетининг янги таркибига ўзига хос наказларни бериш билан бирга қайта қуришни жадаллаштириш, омма ўртасида ва шунчаки КПСС аъзоси деб ҳисобланадиган айрим коммунистлар ўртасида партиянинг обрўйини ошириш учун уларнинг ўзлари, уларнинг партия ташкилотлари нима иш қилганлиги ҳақида кам гапиришди.

Район партия комитетининг, район партия ташкилотининг фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида кўплаб рақамлар ва далилларни мисол келтириш мумкин эди. Аммо ҳозир энг муҳими бу эмас, деб ҳисоблайман. Муҳими нуқтаи назарни аниқлаш, уни кўп партияликнинг мураккаб шароитларида ҳимоя қилиш, эгалланган марраларни бой бермаслик керак, орқага чекиниб бўлмайди. Ана шу нуқтаи назарни белгилаш билан бирга партиянинг тақдири бундан бўён Марказий Комитетда, область ва шаҳар партия комитетларида, район партия комитетларида эмас, энг аввало бошланғич партия ташкилотларида ҳал этилишини унутмаслик зарур. Район партия комитетининг ҳисоботи ва партия конференциясидаги нутқларга қараб фикр юритадиган бўлсак, айнан бошланғич партия ташкилотларининг ва «оддий» коммунистларнинг етарли даражада фаоллик кўрсатмаётганлиги ташвишлантиради...

Конференция қатнашчилари ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов нутқ сўзлади.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари К. Р. Расулов иштирок этди.

* * *

Ш. Ҳ. Низомов Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари, В. М. Плешаков — иккинчи секретари, А. С. Сулаймонхўжаев — секретари этиб сайландилар. А. Р. Мокшин назорат-тафтиш комиссиясининг раиси этиб сайланди.

С. ЛУТФУЛЛАЕВ.

Район партия конференцияларида

НУҚТАИ НАЗАРИНГ, КОММУНИСТ!

— БУ РАСМИЙ ҳисобот эмас. Мен шахсий нуқтаи назаримни, фуқаролик, партиявий нуқтаи назаримни баён этмоқчиман. Мен КПСС ғоявий жиҳатдан ҳам, ташкилий жиҳатдан ҳам ягона бўлиши, унинг фаолияти марксча-ленинча принциплар асосига қурилиши тарафдориман. Бу принциплар диалектик эканлиги назарда тутилса, улар сўзсиз тарзда партиянинг негизи бўлиши керак...

Ленин район партия комитетининг биринчи котиби В. Д. Ардатовнинг эҳтиросли, ҳужжумкор руҳдаги нутқи афтидан ошкора мулоқотга таклифни, делегатлар нуқтаи назарларини аниқ белгилаб олишларини кўзда тутган эди.

Бу даъват ўзига хос акс садосини топди. Музокараларда биринчи бўлиб сўз олган «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг котиби Ў. Р. Худойберганов деярлик бутун нутқини корхона кексаларининг «Труд» рўзномасига мактубидан парчаларни ўқиб беришга бағишлади. Кексалар партиядаги аҳвол тўғрисида ўз ташвишларини баён этган эканлар. Ў. Р. Худойберганов конференция делегатларини айрим коммунистларни партиядан ўчириш тўғрисидаги КПСС Марказий Комитетига таклифни қўллаб-қувватлашга чақирди.

Хайриятки, бу чақириқ маъқулланмади. Шундан сўнг XXXIX Ленин район партия конференцияси аввалги кўп сиповдан ўтган изга тушди. Буни Октябрь инқилоби номидаги тепловоз ремонти заводи партия комитетининг котиби А. В. Елисеев ҳам ўз нутқи-мияти органлари билан ўзаро таъкидлаб ўтди: «Биз ҳозир район партия комитетининг ҳисоботини муҳокама қилиш ўрнига кўпроқ жиддий муаммолар, хўжалик вазифалари тўғрисида гапирмоқдамиз».

Район партия комитети эса ҳисобот-сайловларни ўтказишда вақт жуда тиғиз бўлганлигига қарамасдан ҳисоботга ҳар қачонгига қараганда ҳам ижодий ва чуқур ёндошган эди. Шуни айтиш кифоякки, райкомнинг қайта қуришни таъминлаш юзасидан фаолияти ҳамда район партия ташкилотининг ҳозирги сиёсий шароитдаги вазифалари тўғрисидаги ҳисоботи 102 варақни ташкил этди. Ҳисобот ўзбек ва рус тилларида чоп этилиб делегатларга тарқатилди. Афсуски, улар ҳисоботни жуда кеч, конференция бошланиши олдидан олишди. Нотиқларнинг, айниқса биринчи танаффусгача, ҳисоботдан оғиз очмасдан кўпроқ ўз мулоҳазалари тўғрисида гапирганликлари ҳам шундандир.

Ҳолбуки, ҳисобот маърузасида муҳокама ва мунозара учун кўп нарса бор эди. Ленин район партия комитети том маънодаги партиявий ишнинг янги шакл ва усулларини қунт билан қидирмоқда. Бунга шундай бир мисол келтириш мумкин. Ўтган йил декабрида район партия комитетининг пленумида бошланғич партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари, жамоат ташкилотларининг фикрларини ўрганиш ва умумлаштириш асосида район партия ташкилотининг яқин истиқболдаги ҳаракат дастури қабул қилинган эди. Унда районни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасидаги биринчи галдаги вазифалар белгилаб олинган эди. «Уй-жой», «Озиқ-овқат», «Халқ истеъмоли моллари ва хизмат кўрсатиш», «Транспорт ва алоқа», «Халқ таълими», «Маданият» ва бошқа аниқ мақсадга қаратилган дастурлар шулар жумласидандир.

Район партия ташкилоти бу дастурдан районни ўн учинчи беш йилликда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режасини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун район Советига таклиф этди. Айни пайтда райком ушбу режани ўзининг сиёсий восталари билан қўллаб-қувватлашга ваъда берди. Афтидан бу партиянинг халқ ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини янгича тузишга мос тушадиган услубидир.

Ёки бошқа мисолни олиб кўрайлик. Райком ташаббусига кўра «Раҳм-шафқат» фонди ташкил этилди. Бошланғич партия ташкилотлари котиблари кенгаши қарорига мувофиқ район партия ташкилоти бу фонд таъсисчиси бўлди. Буни коммунистлар ҳам қўллаб-қувватладилар. Район партия ташкилоти «Раҳм-шафқат» фондига 1988 йилда тўпланган аъзолик бадалларидан ўз эҳтиёжи учун қолдирилган маблағнинг ярмини ўтказди. Бу 16 минг сўмни ташкил этди. Райком келгусида ҳам ўз иктиёрида қолдириладиган аъзолик бадалларининг 10 фоизини фондга ажратиш ниятидадир. Бу ташаббус жамоат ташкилотлари, корхоналар томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Натижада фондга ўтказилган дастлабки маблағ миқдори 80 минг сўмга яқинни ташкил этди. Бу маблағдан биринчи галда уруш ногиронларининг, кўп болали оилаларнинг аҳволини яхшилашга фойдаланади.

Шу билан бир қаторда конференция делегатлари райком-Марказий Комитетининг Очиқ хати тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини ҳам билдирдилар. Партия ташкилотларида бу ҳужжатларни муҳокама қилиш давом этмоқда. Ҳозирнинг ўзида партия йиғилишларида 2450 нафардан кўпроқ киши, шу жумладан 250 нафар партиясиз сўзга чиқди. Улар томонидан 4000 дан кўпроқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Район партия комитетининг ҳисобот маърузасида КПСС ихтиёрий равишда сиёсий яқкаҳокимликдан воз кечган ва жамиятда етакчилик вазифасини ўғаш учун сиёсий кураш олиб бораётган бир. пайтда жипслик, ғоявий ва ташкилий бирлик, партиявий ҳаракат бирлиги жуда муҳимлиги аниқ айтилади.

Айрим делегатлар, жумладан, Тошкент машинасозлик конструкторлик бюросининг бош мутахассиси В. Г. Комогорцев КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастурининг лойиҳасида баъзи қоидалар, айниқса ички партиявий демократия масалалари равшан кўрсатиб берилмаганлигини таъкид қилдилар. «Учқун» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг котиби Ғ. К. Акромов бошланғич партия ташкилотлари ҳуқуқларини кенгайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Конференция резолюцияси лойиҳасидаги бу масалага доир бир модда бўйича ўткир баҳс бошланиб кетди. Маълумки, КПСС янги Уставининг лойиҳасида аъзолик бадалларининг 50 фоизгача бўлган миқдорини бошланғич партия ташкилотлари ихтиёрида қолдириш кўзда тутилган. Райком ана шу маблағларни марказлаштириш ва улардан бошланғич партия ташкилотлари ёки бу ташкилотлар котибларини кенгашининг қарорига мувофиқ фойдаланишни таклиф этган эди. Партком ва партбюро котибларидан айримлари буни ўз ҳуқуқларини чеклаш деб тушундилар. Улар ҳар бир бошланғич партия ташкилоти учун фойдаланишга қолдириладиган бадалларга алоҳида ҳисоблар очиш керак, деб талаб қилдилар. Делегатларнинг кўпчилиги бу таклифни қўллаб-қувватламадилар. Улар асосий равишда бу тушунмовчиликларга, қўшимча ходимлар қабул қилишга олиб келиши мумкин, деган фикрга келишди.

Район партия комитети бошланғич ташкилотларнинг ўз фаолиятларида мустақилликни қарор топтиришлари, нуқтаи назарларини қаттиқ ҳимоя қилишларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлайди. Бунга барча даражадаги раҳбар органларга коммунистлар номзодлари кўрсатилиши ҳам мисол бўлиши мумкин. Ҳозирги пайтда бу масалада амалда бошланғич ташкилотларнинг фикри ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Ленин район партия комитетининг таклифига биноан Тошкент область партия комитетининг пленуми бошланғич партия ташкилотларига ўз ваколатлари доирасида шаҳар ва область партия конференциялари, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегатларини сайлаш ҳуқуқини берди. Бу

Ёдномалар

ЖАСОРАТ жойи қаерда? Албатта, зиёратгоҳларда. Бундан йигирма йил аввал Белоруссия қишлоқларидан бирига дўстим, адиб Адҳам Раҳмат билан бирга борганим ҳамон эсимда. Ноябрь ойининг салқин эпкини эсади, атроф яшил ўрмонзор. Автобус дала йўлларидан оғир чайқалиб борарди. Бўш жой қолмаган. Собиқ партизанлар, ҳозир эса билим юрти мураббийлари, талабалар бизни уруш йилларидаги жанггоҳларга, эндиликда муқаддас зиёратгоҳга айланган жойларга олиб кетишаяпти.

Экинзор далалар, унда-бунда кўринган қишлоқлар ортда қолди. Баланд ва тиғиз ўсган қарағай дарахтлари бахмал шохларини аста тебратиб, шивирлаб, ўз бағрига чорлайди. Наботот оламининг мангу сукунати қандайдир улуғвор. Бу улуғворликни биз билан бирга бораётган белорус қардошларимизнинг вазмин нигаҳи, қоронғу ўрмон бурчакларини ҳаяжондан кузатишлари ҳам билдириб турарди.

таётган Ғанитойнинг йўлини полициячилар тўсди. Ғанитой автоматдан ўқ узиб, уларнинг бир нечтасини қулатди, лекин яна қўшимча кучлар пайдо бўлиб, уни ўраб кела бошлашди. Ғанитой охирги ўқи қолгунча олишади ва таслим бўлмай ҳалок бўлади. Уни зона пойтахти Клинник қишлоғида қаҳрамон сифатида дафн этадилар. Номи отряд рўйхатида доимий қолдирилади.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия» нашриёти 1978 йилда Львовлик адиб Василий Антонович Зеленскийнинг «Жангларда тобланганлар» ҳужжатли қиссасини А. Набихўжаев ва Р. Шоғуломовлар таржимасида ўзбек тилида нашр этди. Китоб муаллифи ўз асарини шундай сўзлар билан бошлаган: «Она-Ватанимизнинг содиқ фарзанди, Минск зонасидаги «Разгром» бригадасининг «Искра» партизан отряди қўпорувчилар гуруҳи командири Ғанитой Тошниёзовнинг ёрқин хотирасига бағишлайман».



БИР ЖАСОРАТ ГУВОҲНОМАСИ

Бошимни кўтариб юқорига қарадим. Дарахтларнинг серпанча қалин шохлари бир-бирига туташиб, осмон кўринмасди. Ёнимда йўл бошлаб кетаётган Владимир Павлович Дерябин жилмайиб:

— Ўша жаҳаннам даврида бизга бошпана бўлди бу азим ўрмонларимиз, — деди ва олдинга хурсанд қараб, қўшиб қўйди: — Мана, уйимизга етиб келдик.

Автобус ўтов ўрнидай мўъжазгина ялангликка келиб тўхтади. Болалар машинадан сакраб тушиб, ҳар ёққа ёйилиб кетишди. Билим юрти директори Анатолий Петрович Протасевич бизни ялангликнинг четидаги икки қарағай орасида баланд ўсган алафлар оғушидаги кўҳна ертўла томон бошлади.

— Партизанлик давримиздаги уйимиз шу жой, — деди Дерябин ҳаяжон билан. — Ҳамшаҳрингиз Ғанитой Тошниёзовнинг жанговар топшириққа сўнгги марта чиқиб кетганини асло унутолмайман.

Кекса жангчининг кўзида ёш пайдо бўлди.

Партизанлар қароргоҳини айлангач, Ғанитой ҳақидаги ҳикояларни эшитиб, қаҳрамон ҳамшаҳримизнинг қабрини зиёрат қилдик. Билим юртининг бир талабаси суратчи экан. Бизларни ертўла ёнида ва баҳодир партизан қабрига гулчамбар қўяётганимизда суратга туширди. Ортимизга қайтаётганда мен ҳам, дўстим Адҳам Раҳмат ҳам оғир уруш йилларида белорус партизанларига қўшилиб, гитлерчи босқинчиларга қирон келтирган Ғанитой ҳақида ўйлар эдик.

Минскка бориб келганимга йигирма бир йил бўлган бўлса-да, партизанлар қабристонининг энг баланд кўринарли жойида абадий уйқуга кетган тошкентлик ўзбек йигитининг сўнгги нафасигача курашиб, афсонага айланган жасорати хаёлимга келаверади.

Уруш йилларида яширин райком котиби Иван Леонович Сацункевич Минск областида партизанлар ҳаракатини бошқарган. Унинг «Жиддий қисса» хотира китобида шундай сўзларни ўқиймиз: «Черван, Березин ва Борисов районлари туташган ўрмонзорларда учта жанговар партизанлар гуруҳи тузилди. Унинг бирини комсомол аъзоси, сержант Владимир Дерябин бошқарди. «Искра» номини олган бу гуруҳда Иван Николаев, Василий Аладин, Николай Львов, Ғанитой Тошниёзов, Тихон Хатько, Каспод Псепидов, Иван Кашурцевлар биринчилардан бўлиб партизанлик ҳаракатини бошлашди. Ҳар қандай, ҳатто энг қийин топшириқларни бажаришга тайёр туриш уларнинг жанговар бурчи эди. Гуруҳ Березина яқинидаги душманнинг йирик горнизонини, Минск-Могилев тош йўлида бораётган гитлерчилар колоннасини яксон этиб, қуроляроғларни ўлжа олди. Душманнинг орқа томонида туриб, ўнга қақшатқич зарба бердилар, операцияларда В. П. Дерябин ҳам қатнашарди».

1944 йил. Белоруссияда гитлерчи босқинчилар қаттиқ зарбага дош беролмай чекинаётган эди. Душман ҳамма ерда, ҳатто партизанлар бор жойларда ҳам жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатарди. Партизанлар эса ҳужум устига ҳужум уюштирар эдилар. Муҳим топшириқни бажариб, дўстлари ёнига қай-

Муаллиф Ғанитойнинг дафн маросимини қуйидагича тасвирлайди: «Жангчилар комиссарнинг ҳаяжонга солувчи мотам нутқини тин олмай тинглашади.

— Ёш, куч-ғайратга тўла, соғлом бу йигит ҳали яшашни истарди, — жимжит қабристон узра Локтионовнинг овози янгради, — Аммо Ватанини севган ўғлон манфур душманга қарши курашда ёш жонини қурбон қилди. Ўзбек халқининг фарзанди, жасур дўстимиз ва бирodаримиз қўлида неча-неча фашистлар ўлим топди. Белорус тупроғи кўп қаҳрамонларни кўрган. Ғанитой Тошниёзов сингари халқ қасоскорларининг жасорати ҳақида ҳам афсоналар тўқилади. Унинг бамисоли чақиндек чақнаб ўтган ёрқин ҳаёти ҳаммамиз учун бурч, ғалабага садоқат ва мардлик намунаси бўлиб қолажак».

Бу сўзлар фақат партизанлар эмас, балки бутун белорус халқининг, озодликни севган умуминсониятнинг сўзидир. Асоратга солинган халқни зулм-қабоҳат панжасидан қутқариш учун жонини фидо этган фарзандлар эрк осмонининг чўлпони ҳисобланади. Унинг шуъласи олис асрлар довонидан ошиб, эркпарвар халқлар йўлларини ёритиб туради.

Ғанитой шундай фидойи йигит эди. Ўн тўрт марта фашист босқинчиларининг катта куч билан, қирғинлик майдонларини авж олдиришга бораётган ҳарбий эшелонлари ва колонналарини моҳирлик билан портлатди. Бу жасоратни белорус халқи юксак баҳолади. Партизанлар қўмондонлиги уни Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этган эди. Афсус, бу ҳужжат фақат Белоруссия Компартияси Марказий Комитети архивида бир жасорат гувоҳномаси сифатида сақланиб келмоқда.

Ғанитойнинг командири В. П. Дерябин ҳозир ҳаёт, Минскда яшайди. У Ғанитой Тошматовнинг унвонга тавсия этилганлиги ҳақидаги ҳужжат нусхасини кўчириб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва СССР Мудофаа министрлигига юбориб, уни юзага чиқариш учун кўп ҳаракат қилиб кўрди. Лекин бирор натижа чиқмади.

Ғанитой Армияга олингунга қадар Тошкентда қурилиш техникумида ўқиган, комсомол эди. Фронтда партия сафига ўтди. Тошкентда унинг биргина синглиси, редакцияда машинистка бўлиб ишловчи Ҳожар Сайдалиева қолган. Жонкуяр сингил икки акасининг (Холниёз ҳам фронтда ҳалок бўлган) номи ўзи яшаб турган Ҳамза районидаги бирор мактаб ёки кўчага берилишини Тошкент шаҳар ижроия комитетидан сўраб келмоқда.

Қаҳрамонлар ўлмайди. Ғанитой Тошниёзов ҳам шундай инсонлардан бири эди. Биз унинг қабри тепасида таъзим қилаётганда жасоратини туғилган она юртига етказишга қарор қилган эдик. Тошкентлик мард ўғлоннинг номи абадий бўлишини истаймиз.

Назармат ЭГАМНАЗАРОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, ёзувчи.

Жумҳурият янгиликлари

⊙ **Уй қураётганлар учун тақчил моллар.** Қўқондаги бинокорлик материаллари заводининг ходимлари ажратилган ер участкаларида якка тартибдаги қурилишни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Биринчи квартал якунига кўра, улар янги уйларнинг бўлғуси эгалари учун планга қўшимча равишда 350 минг дона ғишт, кўплаб пардозбоп кошинлар, 40 минг донадан ортиқ деворбоп блоклар етказиб бердилар. Бу эса завод ходимларига қўшимча 50 минг сўм фойда олиш имконини берди.

⊙ **Сменадан сўнг спорт билан шуғулланишга.** Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводида ўз ходимларининг саломатлиги ва дам олишлари тўғрисида ғамхўрлик қилдилар. Бу ерда «Олимпия умидлари» спорт комплекси фойдаланишга топширилди. Комплекс қурилишига 80 минг сўм сарфланди. Энди завод ишчилари ва яқин атрофдаги микрорайонларнинг аҳолиси бўш вақтларини фойдали ўтказишлари мумкин. Волейбол ва баскетбол майдончалари, спорт тренажерлари зали улар ихтиёрида.

⊙ **Узларини сут билан таъминладилар.** «Қўштепа» ёрдамчи хўжалигида қуюқ сут тайёрлайдиган мўъжазгина линиянинг ишга туширилиши Фарғона темирйўлчиларини узлуксиз тўйимли маҳсулот билан таъминлаш имконини берди. Ана шу кичик цехдан ҳар куни 600 килограммгача сут жўнатилади. Бундан ташқари темир йўл Фарғона бўлимининг «Аграр цехи» ўз ходимларини янги сўйилган гўшт билан таъминламоқда.

⊙ **Пойдевор барпо этилди.** «Узбекгидроэнергострой» бош пудратчи трест қурувчилари Қашқадарё областидаги Талимаржон ГРЭСининг биринчи энергоблокини тиклаш юзасидан асосий ишларни бошлаб юбордилар. Бош қозонхона агрегатига технология ускуналарини таганроглик машинасозлар етказиб беришмоқда. Келаси йили бу ерга Ленинград «Металлический завод» бирлашмасида тайёрланган турбина узеллари келтирила бошлайди.

⊙ **Тўқимачилар наказларига кўра.** Бухоро ип газлама бирлашмасининг бош корхонасида бир вақтнинг ўзида чойхона, қаҳвахона, десерт бари, янги маиший хоналар очилди. Ўтган йил охирида коллектив ўртасида савол-жавоб ўтказилди. Ишчи аёлларнинг фикрича, корхонада ижтимоий-маиший шароитни яхшилаш учун нималар қилиш зарурлиги аниқланди. Энди эса уларнинг талаблари адо этилди. Ҳозир бу ерда яна бир чойхона ва аёллар сартарошхонаси қурилиши битай деб қолди.

(ЎзТАГ).

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

ДОРИХОНАЛАРДА ҲАМ МУАММОЛАР ЕТАРЛИ



● **Инсон учун энг азиз ва бебаҳо бойлик саломатликдир. Лекин, иссиқ жон — иситмасиз бўлмайди, деб бежиз айтишмайди. Бундай ҳолда дори-дармон жонга малҳам бўлади. Партия-ҳукуматимиз аҳолини дори-дармонлар ва даволаш воситалари билан таъминлаш борасида муайян ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Шундай бўлса-да, баъзан дорихоналардан зарур дори-дармонлар топилмайди, бирор дори сўралса, ўрнини босадиган дорилар тавсия этилади. Дорихоналарда ҳали кўпгина муаммолар бор. Ана шу мақсадда Тошкент шаҳар «Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Алихон Зиявутдинович МЎМИНОВ билан суҳбатлашдик.**

— Доришунос бўлганингиз учун суҳбатимизни дори-дармонларнинг аҳамияти ва хосиятлари ҳақидаги гапдан бошласак.

— Яхши дори-дармон бемор одамга малҳам. Киши касал бўлса, биринчи галда шифокорга мурожаат қилади, уни шифокор даволайди деймизу, аслида беморнинг даво топиши эллик фоиз доришуносларга боғлиқ бўлади. Шу маънода дори-дармоннинг аҳамияти жуда катта. Фақат ҳар бир дорини ўз вақтида, ўз ўрнида ва қаттиқ режим билан ишлатилган тақдирдагигина нафи тегади. Аксинча, бировлардан эшитган гап асосида, касаллик ҳақида тўлиқ хулосага келмагунча турли-туман дориларни вақт-бевақт ишлатиш фойда ўрнига зарар келтириши, хасталикнинг оғир асоратлар билан мураккаблашишига олиб келишини унутмаслик керак.

— Шаҳримиз аҳолисини дори-дармонлар билан таъминлаш ҳозир қай аҳволда? Бу ғоят зарур юмуш билан боғлиқ қандай муаммолар бор?

— Очиқ гап, авваллари дорихоналарда аҳоли талабидаги дориларни етказиб бериш, таниш-билишчилик ёки дорихонага дори излаб кирган кишига «йўқ» жавобини бериш жуда одат тусига кирган эди. Бундай аҳволга қарши курашдик ва бундан буён ҳам қатъий курашамиз. Шаҳар «Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмасидан тортиб, ҳар бир дорихона жамоасида, яъни раҳбарлардан тортиб ҳар бир ходимгача мутахассислик маҳоратлари синовдан ўтказиляпти. Ҳар бир мутахассиснинг ўз ўрнига танлаш билан ҳозир 1240 олий маълумотли провизор, 631 ўрта маълумотли фармацевтларни босқичма-босқич аттестациядан ўтказиб бораяпмиз. Дори-дармонларга бўлган талабни қондириш ходимларимизнинг кўп жиҳатдан маҳоратларига, хушмуомалалигига, ҳар бир мурожаат этган киши қалбига йўл топа олишига боғлиқ. Бунинг учун кекса доришунослар билан учрашув, суҳбатлар ўтказаяпмиз. Доришуноснинг қалби пок, ўзи ҳалол бўлиши керак.

— Дорихоналарда ишлашнинг шарт-шароитлари қайта кўриб чиқилаяптими?

— Ҳозирги кунда пойтахт аҳолисининг дори-дармонлар билан таъминлаш муассасалар қошидаги 56 та, бевосита нақд пулга дори сотувчи 156 та дорихона ва уларнинг 102 та шоҳобчалари орқали амалга оширилмоқда. Айни пайтда турар жой даҳаларида, завод-фабрикаларда, ишлаб чиқариш корхоналарида 11 та замонавий дорихона ташкил этилди, 6 та дорихона эса янги бинога кўчирилди, улар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шаҳарнинг Куйбишев, Ҳамза, Киров районларидаги махсус болалар дорихоналари, 1, 56 ва 150-дорихоналарда болалар бўлими ташкил этилди. Пенсионер, меҳнат ва уруш кексаларининг талабларини қондириш, уларга тезкорлик билан хизмат кўрсатиш учун 58 та дорихонада дорилар резерви ташкил этилди. Шаҳар справка бюросининг 069 телефони орқали қайси дорихонада қайси дори борлигини билиб олиш шароити яхшиланди. Якка-ёлғиз, қария ногирон кишилар оиласига дори олиб бориш усули ҳам жорий этилди. Ўтган йили ҳонадонларга 1654 марта дори-дармонлар элтиб берилди. Шунингдек, 10 та тунги навбатчи дорихоналаримиз ҳам мунтазам ишлаб турибди.

— Аҳоли ўртасида шифобахш ўтўсимликларга қизиқиш ортиб бораётир, шу маънода қандай тадбирчоралар кўрилди?

— Дарҳақиқат, доривор ўтларга талаб ортиб бораяпти. Шунинг учун Акмал Икромов районидаги 64-, Октябрь районидаги 90-, Ленин районидаги 93-, Чилонзор районидаги 115-дорихоналарда фақат доривор ўтлар сотиш йўлга қўйилди. Шаҳарда шифобахш гиёҳлар дамламаларини истеъмолга тайёрловчи 2 та гиёҳшарбатхона ташкил этилди. Келажакда буларнинг тармоқларини кенгайтириш кўзда тутилган.

— Дорихоналарнинг ҳаммаси ҳам яхши ишлаяпти деб бўлмайди. Камчиликларга барҳам бериш учун қандай чора-тадбирлар кўрилаяпти?

— Ҳа, баъзи дорихоналар қайта қуриш ишларига кам аҳамият беряпти. 30 дан ортиқ дорихона, шу жумладан стационар-даволаш муассасалари қошидаги ва шаҳар дорихоналар омбори бажараётган ишлар санитария норма талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Ленин, Фрунзе, Сергели, Ҳамза ҳамда Чилонзор районларида ҳалигача касалхоналараро дорихона ташкил этилмаган. Шу боисдан дорихоналарнинг моддий-техника базаларига алоҳида эътибор берилиши керак.

— Сир эмаски, баъзи дори-дармонлар кўпинча танқис бўлади, бунга нима сабаб?

— Маълумки, дори-дармонларнинг турлари йилдан йилга ошиб бормоқда, ҳозирги кунда дорихоналаримизда 3 мингдан ортиқ дори турлари мавжуд. Ҳар бир кишининг ўрта миқдордаги дори-дармонларга бўлган эҳтиёжи 18 сўм 24 тийинни ташкил этади.

Тақчил дорилар йилдан йилга кам эмас, маълум миқдорда кўпроқ олинади. Бу дориларни эса, марказлаштирилган усулда сотиш, яъни ҳар бир районнинг марказий дорихонасида ёки бўлмаса ҳар бир поликлиниканинг бириктирилган йирик дорихоналарида навбати билан таъминлаш амалга оширилаяпти.

Айрим пайтларда оғриқ босувчи, иссиқ туширувчи дорилар йўқлиги сезилиб турибди. Бунинг сабаби масалан, оддийгина анальгин порошоги учун берган талабномамиздаги 500 килограмм ўрнига заводдан 266 килограмм ажратилган бўлса-да, 175 килограмм юборилган. Ҳатто чет эллардан оладиган дориларимиз буюртмаларда кўрсатилган миқдорнинг 53 фоизинигина таъминлаяпти. Ёки ҳозирги кунда доривор ўтларга талаб ошиб бораётган бир пайтда, буюртмалардаги 118 турдаги доривор ўтлар ўрнига дорихоналаримизга ҳозирча атиги 40 га яқин туригина келмоқда. Бундай ҳолат бошқа дорилар билан таъминлашда ҳам камчиликлар сезилиб турибди.

Шуни ҳам назарда тутмоқ керакки, мавжуд 37 та ахборот хоналаримизнинг ҳаммаси ҳам тажрибали шифокорлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатганларича йўқ. Баъзи шифокорлар доришунос берган маълумот-ахборотга эътибор бермай, вақтинча йўқ дориларга ва айрим ҳолларда алоҳида қайд қилинган дори-дармонларга ҳам доринома ёзиб берадилар, бундай ҳоллар аҳоли норозилигига сабаб бўлади. Бу фактлар доришунослар ва шифокорлар ўртасида ахборот воситасининг етарли эмаслиги, қолаверса, ўз ишига лоқайдлик, сусткашлик билан қарашдан бошқа нарса эмас.

Хулоса қилиб айтганда, халқимизнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишда доришунослариміз бутун куч-ғайратларини, билим-иқтидорларини сарфлаб яхши хизмат қиладилар.

Суҳбатдош Т. РАСУЛЕВ.

АТРОФ-МУҲИТГА БОҒЛИҚ

МАЪЛУМКИ, кишиларнинг сиҳат-саломатлиги ва касалликларнинг камайишида ер, сув, ҳавонинг тоза бўлиши катта аҳамиятга эга. Афсуски, кейинги пайтда табиат муҳофазасига етарли эътибор бермай қўйилди.

Бундай муносабатни ўзгартирмас эканмиз, инсон саломатлигини яхшилаш йўлидаги хайрли ишларимиз тузукроқ натижа бериши қийин. Хўш, бунинг учун нималарга эътиборни қаратиш талаб этилади?

Чилонзор районидаги «Саломатлик» маркази ташкил этган учрашув ана шу саволга қисман бўлса ҳам жавоб беради. 200-мактаб даъватхонасига «Москва», «Маданият», «Гулистон» маҳаллаларининг аҳли, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитети вакиллари, шифокорлар ва ўқувчилар йиғилишди.

Тадбирни «Саломатлик» марказининг бош врачи М. Муҳамедова кириш сўзи билан очар экан, ҳозирги пайтда инсон саломатлигида табиат муҳофазаси зарурий эҳтиёж эканлигини алоҳида таъкидлади. Район санэпидстанцияси шифокорлари, табиат жонкуярлари ва бошқа сўзга чиққан ўртоқлар райондаги қатор корхоналар атроф-муҳитни озода сақлашга эътибор бермаётганини куюнчаклик билан гапириб, аниқ таклифлар киритишди.

Ҳақиқатан ҳам, табиат муҳофазаси ҳозирги куннинг асосий муаммоларидан бири бўлиб турибди. Сир эмас, пойтахтдаги саноат корхоналаридан ажратиладиган 139 минг тонна заҳарли моддалардан 40 минг тоннаси тозаланмасдан, ҳаво атмосферасига чиқариб юборилади. Бу рақамларга, Чилонзор районида жойлашган «Средгазавтоматика», реле ва автоматика заводлари, Тошкент чарм-галантерея фабрикаси ва бошқа корхоналарнинг қўшаётган «ҳиссаси» чакки эмас. Шуниси ачинарлики, расмий ташкилотлар ва жамоатчилик томонидан камчиликлар аниқланиб, бир неча марта огоҳлантирилиши ва чоралар кўрилишига қарамай вазият ўзгармаяпти. Масалан, Бўзсув канали атрофида жойлашган кўплаб кооперативлар ва умумий овқатланиш корхонаси жамоалари сувга чиқинди ташлашни давом эттирмоқдалар. Табиатга зарар етказиб, инсон саломатлигига бефарқ бўлган бир неча раҳбарлар жазоланди. Йиғилишда иштирок этган ёзувчи-публицист Дадахон Нурий ва шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг масъул ходимлари бундай мисолларни кўплаб келтиришди.

Ўрни келганда таъкидлаш лозимки, район аҳолисига тиббий хизмат кўрсатишда ҳам қийинчиликлар мавжуд. Малакали мутахассислар етишмайди, даволаш-соғломлаштириш ишларини нормал олиб бориш учун шароит яратиб берилмаган. Ҳозирги кунда район аҳолиси 70 минг кишига етди. Поликлиникалар эса уларнинг эллик фоизига ҳам хизмат кўрсатиш имкониятига эга эмас.

Учрашувдан сўнг «Саломатлик» марказининг бош врачи М. Муҳамедовани саволга тутдик.

— Мамлакат Қодировна, бугунги тадбир кўнглингиздагидек ўтдими?

— Ҳа. Бундай йиғилишлар атроф-муҳит озодалигига эришиш, инсон саломатлигининг яхшиланишига яқиндан ёрдам беради. Очиғи, экологик саводсизлигимиз туфайли катта хатолар ва камчиликларга йўл қўйдик. Энди бунга чек қўйиш вақти келди. Аҳоли ўртасида тарғибот ишлари олиб бориш яхши натижалар бериши мумкин. Ўзингиз кўрдингиз, район соғлиқни сақлаш бўлими бош шифокори Алишер Нурмуҳамедов 28-поликлиника бош шифокори Ҳалима Жамолова, шаҳар табиатни муҳофаза қилиш комитетининг масъул ходимлари Азизахон Рашидова, Ўлжа Отақулов ва бошқалар барча нуқсонларни рўй-рост очиб ташладилар. Ошкора мулоқот табиат муҳофазасига эътибор бермаётган раҳбарларга таъсир этмасдан қолмайди.

— «Саломатлик» марказининг вазифалари ҳақида ҳам икки оғиз тўхталсангиз.

— Биз асосан аҳолининг санитария-гигиена билимларини ошириш, уларни касалликларнинг олдини олишга ўргатиш, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш билан шуғулланамиз. Юзага келган вазиятдан қутулишнинг йўлларидан бири — соғломлаштириш масканлари қуришдан иборатдир. Бу борада партия ва совет органлари, тиббиёт масканлари, жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари марказимизга яқиндан ёрдам беришса кўнгилдагидек бўларди. Жамоамиз «Сайёрамиз — саломатлигимиз» шиори остида ҳаракат қилмоқда.

С. ШОДИЕВ.

ОДДИЙ УЧУҚНИНГ АСОРАТИ

ОДДИЙ учуқ одамлар орасида энг кўп тарқалган касалликлардан бўлиб, баданнинг турли жойларида ғуж-ғуж, турли хил майда пуфакчалар пайдо бўлиши билан ажралиб туради. Одатда бу, иккинчи бир хасталик билан бирга ёки ундан олдин келиши мумкин. Кўпинча беморлар учуқ чиқишини зотилжам, шамоллаш, учиниш, грипп каби хасталик билан боғлашади. Оддий учуқ касаллигини совуқ қотганда, дармондорилар етишмаганда ва тананинг қаршилик кучи камайиб кетганида ҳам кузатиш мумкин.

Оддий учуқ (герпесга) касаллигига вирус сабаб бўлади. Учуқ вируси умр бўйи сақланиб қолиши ҳам мумкин, инсон вирус сақловчи манбага айланиб қолади. Соғлом одамлар беморлар билан яқин мулоқотда бўлганида учуқ юқади. Одатда учуқ лабга, бурун, баъзан кўз ва жинсий аъзолар атрофига чиқади. Кейинги йилларда учуқ вируси келтириб чиқарган хасталикларнинг пешоб-таносил аъзолари шиллиқ қавати ва териси зарарланиши тиббиёт амалиётида тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Аксарият ҳолларда касалликнинг клиник белгилари қуйидагича пайдо бўлади: аввалига жинсий органлар соҳаси бир оз қичишиб, ачишгандай сезилади ва эртасига шу жойларда майда, ғуж-ғуж пуфакчалар пайдо бўлади. Пуфакчалар тиниқ суюқлик билан тўлиб, катталиги 0,2—0,4 миллиметрдан ошмайди.

Хасталикнинг дастлабки кунларида беморнинг иссиғи ошади, безовталанади, пуфакчаларга яқин лимфа тугунчалари катталашиши мумкин. Жинсий органлар соҳаси тиришиб оғрийди, беморнинг ҳаракати чегараланади. Оралиқ ва сонларнинг ички соҳаси териси қизариб шишади, пуфакчалар ишқаланиш натижасида зарарланади, бунинг оқибатида чақаланиб кетади, бу қаттиқ оғриқ билан кечади.

Бир она М. исмли 18 ёшдаги қизини клиникамизга олиб келди. Беморнинг аҳволи оғир эди. Жинсий органлари аъзолари атрофи йирингли майда яра-чақа билан қопланиб, беморнинг ҳатто юришини ҳам қийинлаштириб қўйибди. М. га бир ҳафта аввал таносил аъзоларига майда пуфакчалар чиққан. Уялиб ҳеч кимга мурожаат қилмаган. Ўзича ҳар хил доривор суртган. Аҳволи оғирлашавергач, онасига айтган. У клиникамизда икки ҳафта даволангач, соғайиб кетди.

Шуни унутмаслик керакки, оддий учуқ касаллигида беморда иммунитет қолмайди, шунинг учун кучли совуққотиш, ҳаяжон ва аллергик ҳолатлардан сўнг касаллик қайталаши мумкин. Касаллик тез-тез қайталаб туриши ва яна қайтадан юқиши мумкин бўлганлиги учун уни даволаш жуда мураккаб.

Бу хасталикни кейинги йилларда махсус тайёрланган мегасин, интерферон, риодоксол, бонафтан каби мазлар билан даволаганда яхши натижалар олинмоқда. Профилактика мақсадида эритма ва мазлар 2—3 ойда 2 маҳал суртилади. Айниқса, аъзои-танни доимий чиниқтириш, дармондориларга бой маҳсулотларни истеъмол қилиш, яхши дам олиш, асабни асраш оддий учуқ касаллигидан сақланишга катта ёрдам беради.

Э. ЭШБОЕВ,
Узбекистон тери ва таносил касалликлари илмий-тадқиқот институти клиник-диагностика лабораториясининг мудири.

Тиббиёт муассасаларида





⊙ Шаҳардаги Абу Али ибн Сино номли 1-шифохонада ширин сўзли тиббиёт ходимлари эл соғлиғи йўлида жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар. Шифохона ички ишлаб чиқариш безлари бўлимида қанд хасталигига чалинган беморлар ўз дардларига даво топмоқдалар.

Чапдаги суратда шу бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Ш. Шомаҳмудов, ҳамшира Г. Юнусова, шифокор М. Мухторова беморнинг хасталик тарихини эшитишмоқда. Ўнгдаги суратда эса шифокор М. Тошмуҳамедова, ҳамшира С. Мўминовалар бу ерда шифотопаётган Д. Зоҳидова билан суҳбатлашишмоқда.

Р. Шарипов суратлари.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

СССР Темир йўллари вазирлиги

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ ТЕХНИКУМИ

9-синфни тугатганларни 1 курсга, ўрта маълумотга эга бўлганларни 2 курсга

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум темир йўллар учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича техниклар тайёрлайди: тепловоз хўжалиги, темир йўлда электровоз хўжалиги, изотермик вагонлар ва совутиш хўжалиги, темир йўлда автоматика ва телемеханика, радиоалоқа ва радиоэшиттириш (ўрта маълумотга эга бўлганлар), симли алоқа (ўрта маълумотга эга бўлганлар), энергия билан таъминлаш ва энергетика хўжалиги.

АРИЗАЛАР 1 ИЮНДАН 31 ИЮЛГАЧА 30 ЁШГАЧА БЎЛГАН БАРЧА КИШИЛАРДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ (ўрта маълумотга эга бўлганлардан 14 августгача),

ИМТИҲОНЛАР 1 АВГУСТДАН 20 АВГУСТГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ

Ўрта маълумотга эга бўлганлар: математикадан (оғзаки), рус тили ва адабиётидан (иншо), ўзбек тили ва адабиётидан (иншо).

Тўлиқсиз ўрта маълумотлилар: рус тили ёки ўзбек тилидан (диктант), математикадан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

АРИЗА ТЕХНИКУМ ДИРЕКТОРИ НОМИГА ЁЗИЛАДИ:

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта мактабни тўлиқ ёки тўлиқсиз тугатганлик ҳақидаги ҳужжат, саломатлиги ҳақидаги медицина ҳужжати (086/У форма), 6 дона 3х4 см ҳажмдаги фотосурат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий билет ёки чақирув қоғози.

Шаҳар ташқарисидан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Яхши ўқийдиган ўқувчилар ойига 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Аълочи ўқувчиларга 25 фоиз кўп стипендия берилади.

Техникум ўқувчилари йилига бир маротаба текин темир йўл билети билан таъминланадилар.

Техникум қўнимгоҳи: 700167, Тошкент шаҳри, Сариқкўл кўчаси, 3-уй (1, 2, 5, 8, 10-трамвайларнинг «Сариқўл» ёки «Будённий кўчаси»; 55, 66-автобусларнинг «Темир йўл техникуми» бекатлари). Телефонлар: 32-40-85, 32-43-25, 32-44-96.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
«Главташкентстрой»нинг ЭКОБД ва
8-трести базасидаги

5-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-91 ўқув йилига

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

қурувчи-дурадгорлар, бўёқчилар (қурилиш бўйича), **электр-пайвандчи усталар, кошинкор-плитачи-мозаикачилар, ғишт терувчилар, слесарь сантехник, қурилиш машиналарини ремонт қилувчи слесарлар, электрчилар.**

Ўқиш муддати 6 ой ва 10 ой бўлган группаларга 11-синфни тамомлаган ва Совет Армияси сафидан қайтганлар қабул қилинади. 9-синфни тамомлаганлар учун ўқиш муддати 3 йил.

Битирувчилар ўрта маълумот ва эгаллаган касблари тўғрисида диплом оладилар.

Ўқувчилар кунига уч маҳал бепул овқат ҳамда кийим-бош билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 50 фоизи берилади, 6 ойлик ва 1 йиллик группаларга қабул қилинган ўқувчиларга эса ҳар ойда 76 сўм миқдорида стипендия тўланади. Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Билим юртини тугатганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ва ўрта ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юбориладилар.

Ўқишни тугатганлар «Главташкентстрой»га ишга юборилади ва ётоқхона билан таъминланадилар. Армия сафидан келганлар доимий шаҳар рўйхатига қўйилади ва навбат бўйича турар жой билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси (086/У), 3х4 см ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Билим юрти маскани: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Астрахань кўчаси, 12-уй, 1-трамвай; 22-автобуснинг «Дегтярев кўчаси» бекати. Телефонлар 91-26-47, 96-29-50.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

22-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

1990-91 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Эркаклар, аёллар ва болалар кийимларини моделлаштирувчи бичиқчи (расмдан имтиҳон топширилади), тикувчилик ишлаб чиқариши оператори, эркаклар ва аёллар кийимларини тикувчи.

Таълим муддати — 11-синф маълумоти билан — 6 ой (мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида (МУПК) таълим олган ва бичиш ва тикиш курсларини тамомлаганлар); 9-синф маълумоти билан — 2—3 йил.

Тошкент шаҳридаги мактабларнинг 9 ва 11-синф ўқувчиларини ҳам билим юртига ўқишга таклиф қиламиз. Билим юртида 3 йил ўқиган ўқувчиларга касб ўргангани ва тўлиқ ўрта маълумот олгани ҳақидаги диплом берилади.

Билим юртига 11-синфни тамомлаб ўқишга кирган ўқувчиларга таълим даврида 30 сўм стипендия берилади, 9-синфни битириб ўқишга кирганлар эса, тўла давлат таъминотида бўладилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга ўзлари ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 фоизи берилади.

Билим юртини «аъло» баҳога тамомлаганларга институт ва техникумларга кириш учун йўлланма берилади. Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юрти қошида тикувчилик буюмлари тайёрлаш бўйича «Эҳтиёж» ширкати ишлаб турибди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумот ҳақидаги аттестат (гувоҳнома), паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см), мактабдан характеристика.

Қуйидаги манзилда жойлашган билим юртига мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 63-уй — «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси. Телефон — 35-62-41, ички телефон 2-62 (9, 18, 19, 21, 24, 26, 47, 51, 57, 60, 72, 81, 92, 115-автобуслар; 2, 3, 16, 22, 23, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Олой бозори» бекати).

Тошкент шаҳри, Магазин-мавзу кўчаси, 136-уй — «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси филиали. Телефон — 48-64-04, (10э 43, 88-автобуслар; 19, 27-трамвайларнинг «Шимолий Олмазор» бекати).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

ТАШЭКС БИРЛАШМАСИ

малакали ишчи-кадрлар тайёрловчи

17-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

9-СИНФ ҲАЖМИДА (ўқиш муддати 3 йил);

кенг профилдаги станокчи, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари, токарь, электргаз пайвандчиси, кўприкли кранларнинг машинисти, механика-йиғув ишлари слесари, автомобиль ремонти слесари.

11-СИНФ ҲАЖМИДА (ўқиш муддати 1 йил):

кенг профилдаги станокчи, электр-газ пайвандчи, ремонт ишлари слесари, йиғув ишлари слесари, автомобиль ремонти слесари.

9-синф маълумотига эга бўлган ўқувчиларга бепул кўчалик ва ишчи кийимлари ва 2 маҳал иссиқ овқат, 11-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар эса 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Махсус группа ўқувчилари практикасини ва кейинчалик армия хизматини Ўзбекистонда, ТуркВО қўмондонлигининг авторемонт корхона ва ҳарбий қисмларида ўтайдилар.

Билим юрти аълочилари имтиёзли шартлар асосида олий ўқув юртларига ўқишга юборилади.

Ўқиш даврида ўқувчиларга ДОСААФнинг автомобиль курсларига йўлланма берилади ва автомобиль транспорти «С» категорияли ҳайдовчилик гувоҳномаси оладилар.

Билим юртида вокаль-чолғу ансамбли ва спорт секциялари ишлаб турибди.

Ўқув кабинетлари видеомагнитофон қурилмалари ва бошқа замонавий талаб асосида жиҳозланган қурилмаларга эга.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, саломатлик ҳақидаги справка, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Содиқов кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 68-68-74, 68-67-09.

Транспорт: 4, 5, 24-троллейбусларнинг «СПТУ-17»; 3, 22, 23, 29-трамвайларнинг «Старт» стадиони» бекатлари.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
34-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
9-11 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА
1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ун ишлаб чиқариш корхоналарининг аппаратчиси, ёрма ишлаб чиқариш корхоналарининг аппаратчиси, озуқа ем ишлаб чиқариш корхоналарининг аппаратчиси, нон ёпиш саноати машина ва ускуналари созловчиси, совутиш қурилмалари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича слесарь, тунукасоз, қандолатчи.

ЎҚИШ МУДДАТИ: 11-синф маълумоти билан — 1 йил. 9-синф маълумоти билан 2 йил.

Билим юртига 9-синф маълумоти билан қабул қилинганлар 3 маҳал бепул иссиқ овқат, формали кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртига 11-синф маълумоти билан қабул қилинганларга ойига 30 сўм стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида пул мукофоти оладилар.

Билим юрти қошида кечки ўрта мактаб ишлаб турибди. Спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик ва турли тўгараклар мавжуд. Четдан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишга юборилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: директор номига ариза, маълумот ҳақидаги ҳужжат, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, медицина справкаси, 6 дона фотосурат (3х4 см.), таржимаи ҳол.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза ноҳияси, 2-Сельмаш проезди, 15-уй, (10, 16, 21, 28, 30, 48, 71, 72, 80, 111-автобусларнинг «Ташсельмаш» заводи» бекати, 13-трамвайнинг «Ташсельмаш» метро станцияси» бекати).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

С. И. Кадишев номидаги 33-авиация ҳунар-техника билим юрти

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Учувчи аппаратларни йиғувчи слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, учувчи аппаратлар деталларини тайёрлаш ва парчинлаб иш бажариш бўйича слесарь, кенг профилдаги станокчи, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, фрезерчи, электр-газ пайвандчи.

ЎҚИШГА 8 ВА 10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ШАҲАР АТРОФИДА ЯШАБ ТУРУВЧИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10-синфни тамомлаган ўқувчилар, шунингдек Совет Армияси сафларидан истеъфога бўшатилган ёшлар учун ўқиш муддати — 6—10 ой. Ўқувчиларга ойига 65 сўм стипендия тўланади. 8 синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 1—3 йил. Улар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тамомлагандан сўнг талабаларга ўрта маълумот ҳақидаги диплом ва касб бўйича тегишли малака оширгани ҳақидаги ҳужжат берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга стипендия сақланган ҳолда ишлаб топган ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Билим юртидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

ЎҚИШ — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юрти ҳарбий-спорт базасига эга. Вокаль-чолғу ансамбли, Авиамодель тўгараги, миллий чолғу асбоблари ансамбли, сурат чизиш студияси, духовой оркестр, дельтопланда парвоз этиш, компьютер техникаси тўгараклари ишлаб турибди. Билим юртида Ёшлар техника ижодиёти лабораторияси ишлаб турибди. Бу ерда ўқувчиларга бажарган иши учун 100 фоиз меҳнат ҳақи тўланади.

Билим юртини тамомлаб чиққанлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганларга эса олий ўқув юртларининг кундузги ва кечки бўлимларига, шунингдек барча олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун йўлланмалар берилади.

Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: директор номига ариза, 8-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, туғилгани ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (0/86 форма), 6 дона фотосурат (3х4 ва 4х5 см).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 103, 106, 119, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номидаги билим юрти» бекати).

Телефонлар: 96-58-20, 96-47-70, 96-39-72.

ҲАМЗА ТЕАТРИ БИНОСИДА

Ж. Шанин номидаги Чимкент область қозоқ драма театрининг

гастроль репертуари

Ғ. Мусрепов
4 май — АҚАН СЕРИ — АҚТУҚТИ
(2 пардали фожиа)

Б. Мухаев
5, 11 май — СЕРГЕЛДЕНГ БЎЛГАН СЕРИЛАР
(2 пардали комедия)

К. Жетписбаев
6, 13 май — ТЎЙИДАН КЕЙИН
(2 пардали драма)

Х. Муҳаммаджонов
7 май — БИЗ ФАРИШТА ЭМАСМИЗМИ?
(2 пардали комедия).

Н. Гоголь
8 май — УЙЛАНИШ

С. Адамбеков
9, 12 май — ЖЕСИНЛАР
(2 пардали драма).
10, 14 май — ТОМОША
(кулги кечаси).

СПЕКТАКЛЛАР СОАТ 19.30 ДА БОШЛАНАДИ.
Касса соат 11 дан очиқ.
Мурожаат учун телефон: 44-24-47.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҲАР БИР ҚАБУЛ ДЎКОНЛАРИДА МАЙ ОЙИДА ҚУЙИДАГИ КИТОБ ВА АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛАДИ:

5 МАЙДА — Ж. СИМЕНОННИНГ «СУДЬЯНИНГ УЙИ» китобига 40 тадан, 6 МАЙДА — М. БЎЛГАКОВНИНГ «МАРҲУМНИНГ ХОТИРАЛАРИ» китобига 150 тадан, 12 МАЙДА — Ж. САНДНИНГ «ГРАФИНЯ РУРОЛЬШТАТ» китобига 150 тадан, 13 МАЙДА — М. КАСВИНОВНИНГ «23 ПОҒОНА ПАСТГА» китобига 50 тадан, 19 МАЙДА — М. БЎЛГАКОВНИНГ «МАРҲУМНИНГ ХОТИРАЛАРИ» китобига 200 тадан ва 20 МАЙДА — ЧЎЛПОННИНГ «ЯНА ЯНГРАЙДИ СОЗИМ» китобига 100 тадан абонементлар тарқатилади.

Ж. Сименоннинг «СУДЬЯНИНГ УЙИ» китоби ҳамда М. Булгаковнинг «МАРҲУМНИНГ ХОТИРАЛАРИ» китобига, М. Касвиновнинг «23 ПОҒОНА ПАСТГА» китобига ва Чўлпоннинг «ЯНА ЯНГРАЙДИ СОЗИМ» китобига абонементлар биргўлда 20 кг макулатура топширилгандан сўнг берилади.

Ж. Сименоннинг «СУДЬЯНИНГ УЙИ» китобининг нархи 4 сўм 50 тийин. Топширилган макулатураниг қиймати китобнинг нархидан чегирилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛОВ КОРХОНАСИ.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Шиша идишларни қабул қилувчи пунктларда ва шиша идишларда маҳсулот сотувчи барча озиқ-овқат магазинларида аҳолидан шиша идишларни чекланмаган миқдорда эркин қабул қилиш ташкил этилган.

Эртага магазинга кириб, чанқовбосди ичимликларни, минерал сув ва пепси-колани бемалол сотиб олай десангиз

ШИША ИДИШЛАРНИ ТОПШИРИНГ!

Маълумотлар олиш учун телефон: 33-72-59.



Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо Бош бошқармаси.

ҚИШДА—ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ

Ҳа, бу афсона эмас. Агар сиз ёзда мева ва сабзавот маҳсулотларини консервалаб қўйсангиз, қишда ҳам дастурхонингиз ёз неъматлари билан тўкин бўлади.

Уй шароитида консервалаш учун зарур СКО-1 металл қопқоқларини (нархи 3 тийиндан) ва идишларни маҳкамлаш воситаларини (нархи 3 сўмдан 4 сўмгача) Тошкент хўжалик моллари савдо ташкилотининг барча магазинларидан сотиб олишингиз мумкин.



Тошкент хўжалик моллари савдо ташкилоти.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги
М. Қориёқубов номли Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

«БАҲОР ТАРОНАЛАРИ»

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ БАДИИЙ ҚОЛЛЕКТИВЛАРИ ВА ЕТУҚ ХОНАНДАЛАРИНИНГ

БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

5 май соат 19.30 да

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Аҳмаджон ШУҚУРОВ
«ЗАРАФШОН» ФОЛЬКЛОР ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ.
6 май соат 19.30 да
Раҳматжон ҚУРБОНОВ
«ЛАЗГИ» ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ
9, 10 май соат 19.30 да
Ўзбекистон ССР халқ артисти
Ғуломжон ЁҚУБОВ

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

АЗИЗ КИНО МУХЛИСЛАРИ!

«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА
6 МАЙГАЧА

«ТЕМИР ХОТИН»

ИККИ СЕРИЯЛИ ҲАЖВИЙ БАДИИЙ ФИЛЬМИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

Сценарий муаллифлари: Ш. БОШБЕКОВ, И. ТЎЙЧИЕВ.

Режиссер: И. ЭРГАШЕВ.

Ролларда: Ғ. АЪЗАМОВ, Д. ЭГАМБЕРДИЕВА, М. РАЖАБОВ, Ж. ЗОКИРОВ.

Фильм «Ўзбекфильм» киностудиясининг «Юлдуз» ижодий уюшмасида яратилган. Бу фильм етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган томошабинларга мўлжалланган бўлиб, барчангиз оила аъзоларингиз, ёру дўстларингиз, қон-қариндошларингиз билан томоша қилишингиз мумкин.

СЕАНСЛАР СОАТ 11, 13.30, 16, 18.30 ДА БОШЛАНАДИ.
Телефон: 77-06-20.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

11 МАЙ КУНИ СОАТ 20.00 ДА

12—13 МАЙ КУНЛАРИ СОАТ 17.00 ВА 20.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ФОНДИ
ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁУ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «ЁШЛАР УЙИ»

СИЗ, АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИНИ

СОВЕТ-ҲИНД ДЎСТЛИГИ ДОИРАСИДАГИ

«Дўстлик тароналари»

ҚАТТА КОНЦЕРТИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИЛАР

Эътиборингизга «Камолот-89» жумҳурият кўриги голиби, хушовоз хонанда МУҲРИДДИН ХОЛИҚОВ раҳбарлигидаги «НИҲОЛ», шунингдек фестиваль ва ойнаи жаҳон орқали таниш бўлган О. К. ШАРМА раҳбарлигидаги «МАҲЭК» ансамблари ўзларининг биргаликдаги программаларини тақдим қиладилар.

Уйлаймизки, бу томошалар сизга албатта маъқул бўлади.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда. Кўпчилик бўлиб келиш учун аризалар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-93-63.

КАСБГА ЙЎЛ

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ ҚОШИДАГИ ОФИЦИАНТЛАР ТАЙЁРЛАШ КУРСЛАРИДА

6 ОЙ ЎҚИБ, ЯХШИГИНА КАСБ ЭГАСИ БЎЛИШИНГИЗ МУМКИН.

20 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотли йигитлар қабул қилинади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 50-60 сўм миқдорида стипендия тўланади ва ўқиш муддати иш стажига киритилади.

Курсларни битирувчилар Тошкент шаҳар ресторанлари ва кафеларига ишга юборилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 22-«а» уй, Тошкент ресторанлар трестининг кадрлар бўлими, телефон 55-74-61.

Транспорт: 2, 6, 11, 14-троллейбуслар; 7, 11, 51, 77, 97-автобусларнинг «17-поликлиника» бекатлари.

ТОШКЕНТ КЕЧКИ МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНИКУМИ

5 МАЙ СОАТ 12.00 ДА

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Манзилимиз: 700048, Тошкент шаҳри, Сельмаш кўчаси, 6-уй (10, 16, 21, 28, 30, 48, 72, 80-автобуслар; 13-трамвайнинг «Сельмаш» кўчаси бекати).

Қўшимча маълумотлар олиш учун Ҳамза район аҳолини ишга жойлаштириш бўлими (М. Ҳасанова кўчаси, 14-уй)**га мурожаат қилинсин.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 3/V да **Севги тумори** (19.00), 4/V да **Дон Кихот**, 5/V да **Бир антик балетлар.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 3/V да **Ана-ука совчилар** (19.30), 4/V да, **Олтин тўй**, 5/V да **Олтин тўй.**

КИНО

3 МАЙДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида, К. Ермatов номли «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти, катта зал, 17, 20.00); «ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида, 18, 20.45).

Чайка — «САБР КОСАСИ» (21.00); «ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида, 18.30).

Москва — «МОДЕРНИСТЛАР» (18.20, 20.40).

Восток — «ВЕБОШ ЭРКАКЛАР» (17, 19, 20.45).

Фестиваль (ёзги) — «ВЕБОШ ЭРКАКЛАР» (21.30).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «САБР КОСАСИ» (19.00); «ВИТЕБСК ИШИ» 1-фильм, «ЖИНОЯТ» (17, 20.00).

К. Ерматов номли — «ЖАНОВ ҲИНДИСТОН» (18.30, 20.00), «ҲОН ГИЛЬ ДОН» (17, 21.00)

Фрунзе ноҳияси озиқ-овқат савдо ташкилоти жамоаси кекса савдо ходими, 32-дўкон мудири, меҳнат ветерани

Адҳам ЖУРАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 01279.
Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.